

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**8/2021**

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

**Хуқуқий, илмий-амалий нашр**

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Козимджсан КАМИЛОВ  
Робахон МАХМУДОВА  
Ҳалилило ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ  
Ибрагим АЛИМОВ  
Олим ХАЛМИРЗАЕВ  
Замира ЭСАНОВА  
Омонбой ОҚЮЛОВ  
Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ

⑤ Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Тахририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўллўзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва кайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

**Бош мухаррир**  
**Камол УБАЙДИЛЛОЕВ**

**Масъул котиб**  
**Муталиф СОДИКОВ**

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган хукукий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-й  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** odilsudlov.oliv@sud.uz

**Веб-сайт:** [www.odilsudlov.sud.uz](http://www.odilsudlov.sud.uz)

Босишига 2021 йил 13 августда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –12.  
Нашр адади 4090 нусха.

**Навбатчи мухаррир**  
**Муталиф СОДИКОВ**

## НАШР ИНДЕКСИ – 909

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА НАШР GROUP» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: 100 057,  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани  
Ифтихор кўчаси, 117-йй

**ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурый суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....5

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

**А. Сайдов.** Мустақиллик ва янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати: ютуқлар ва истиқболлар.....11

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ**

**А. Раҳимов.** Конституциявий одил судлов – ҳуқуқ ва эркинликларнинг муҳим кафолати....19

**ЭЛЕКТРОН ҲУҚУМАТ**

**Б. Иззатуллаев.** Ўзбекистонда электрон ҳукумат.....21

**ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

**Т. Умаров.** Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик.....25

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН**

**Б. Юлдашев.** Маъмурий тартиб-таомиллар амалда қўлланилмоқдами?.....29

**ЭКОЛОГИЯ ВА ҲУҚУҚ**

**Ж. Холмўминов.** Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг айрим масалалари.....31

**ДАВЛАТ БОЖИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**С. Рахмонов.** Иқтисодий судларда давлат божи ундиришнинг ўзига хосликлари.....38

**ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН**

**И. Маманов.** Ҳазрат Умар ибн Ҳаттоб адолати.....40

**СУД ОЧЕРКИ**

**И. Дониёров, Хонбиби Ҳиммат қизи.** Ўғри ўз қизи бўлиб чиқди.....44

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**.....46**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА**.....79



**ОЛИЙ СУД**  
**ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ  
ТҮҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА**

2021 йил 20 апрель

19-сонли

Тошкент шаҳри

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиқсанлиги муносабати билан, «Судлар түғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилисин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти ҳақида» 2019 йил 25 октябрдаги 20-сонли қарори:

**3-банди 2-кичик бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бериладиган апелляция ва кассация шикоятларидан:»;

**21, 22-бандларидаги «, назорат» сўзи чиқариб ташлансин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш түғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида» 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори:

**13-банди:**

**биринчи хатбошисидаги «туман (шаҳар)» деган сўзлар «туманлараро» деган сўз билан алмаштирилсин;**

**қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** билан тўлдирисин:

«Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари) жавобгар жойлашган ердаги туманлараро маъмурий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

маъмурий судларига тақдим этилиши мумкин.

Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари), шунингдек, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъво аризалари туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин»;

**тўртинчи хатбошиси** тегишинча **олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансан;.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга соловчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарори:

**2-бандининг биринчи хатбошисидаги** «Маъмурий судга» деган сўзлар «Жиноят ишлари бўйича судга» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**30-бандидаги** «маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати» деган сўзлар билан, «маъмурий судлар» деган сўзлар «судлар» деган сўз билан алмаштирилсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидағи хатоликларни белгилашни тартибга соловчи қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланиши ҳақида» 1992 йил 13 ноябрядаги 5-сонли қарори:

**муқаддимаси** қуйидаги таҳирда баён этилсан:

«Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунларига ўзгартиришлар киритилганлиги, шунингдек, судларда тушунтириш берилиши ло-

зим бўлган масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:»

#### **1-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳирда баён этилсан:

«1. Тушунтирилсанки, судлар фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидағи хатоликларни белгилаш тўғрисидаги аризаларни, агар дастлабки ёзувлар сақланган ёки тикланган бўлса, шунингдек, уларга фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш, вояга етмаган боланинг фамилиясини ўзгартириш муносабати билан ушбу ёзувларга фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан ўзгартиришлар киритилган ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларида жиддий тафовутлар бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 228-моддасига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрядаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига биноан кўради»;

**4-банди** чиқариб ташлансан.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси  
К.КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси  
И.АЛИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ  
ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

2021 йил 10 июнь

23-сонли

Тошкент шаҳри

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиқсанлиги муносабати билан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қуидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли қарори:

**1-бандининг рус тили матнидаги «национальным интересам» деган сўзлар «национальной безопасности» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

**2-банди қуидаги таҳирда баён қилинсин:**

«2. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 243-моддасида назарда тутилган даромадларни легаллаштириш тариқасидаги жиноятнинг предмети бу жиноий фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳисобланади. Қонун мазмунига кўра, ушбу пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк уларни легаллаштиришдан олдин қасдан со-

дир этилган ижтимоий-хавфли қилмиш (бундан буён матнда асосий жиноят деб юритилади) орқали топилади.

Асосий жиноятларга, жумладан, қуидагилар киради:

шахсга қарши ҳақ эвазига содир этилдиган жиноятлар (масалан, ғараз нијатларда одам ўлдириш, фохишахоналар сақлаш, одам савдоси);

иктисодиёт соҳасидаги жиноятлар (масалан, ўғирлик, босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш);

ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органлари фаолият тартибига қарши жиноятлар (масалан, пора олиш, қонунга хилоф равишда мулкий манфаатдор бўлиш);

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар (масалан, контрабанда, ўқотар қурол ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишида муомала қилиш ва ҳ.к.).

Бунда бир ёки бир неча асосий жиноят содир этилганлиги, улар алоҳида бир шахс, уюшган гурух ёки жиноий уюшма томонидан, Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа мамлакат худудида содир этилганлиги, легаллаштирилаётган мулк содир этилган жиноят натижасида

бевосита ёки билвосита қўлга киритилганлиги аҳамият касб этмайди»;

кўйидаги мазмундаги **2.1-банд** билан тўлдирилсинг:

«2.1. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар» атамаси Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасига мувофиқ, жумладан, қўйидагиларни ўз ичига олади:

жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулқдан фойдаланиш натижасида олинган даромад ёки фойда (даромаддан даромад);

жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки мол-мулқ бошқа мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган (масалан, кўчмас мулкни жиноий йўл билан топилган қурилиш материалларидан барпо этиш);

жиноий йўл билан ортирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни қонуний манбалар ҳисобидан топилган мол-мулкка қўшиш йўли билан олинган мол-мулк. Бундай ҳолларда мол-мулкнинг фақат қўшилган пул суммаси ёки қўшилган мол-мулк қийматига тегишли қисмигина жиноий йўл билан топилган деб эътироф этилади.

Пул маблағларига миллий ёки чет эл валютаси тариқасидаги нақд пуллар, шунингдек, нақд бўлмаган пул маблағлари, шу жумладан, электрон пуллар киради.

Бошқа мол-мулк деганда, кўчар ва кўчмас мулк тушунилиши лозим бўлиб, у мулкий ҳуқуқлар, нарсалар, қимматли қофозлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан, уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни (интеллектуал мулк) ўз ичига олади.

Шуни назарда тутиш лозимки, Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқиш гурухининг (ФАТФ) 15-Тавсиясига кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадларга криpto-активлар (криpto-валюта) ҳам киритилиши мумкин”;

**3-банди** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. ЖК 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айборд томонидан жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига уларни ўтказиши, мулкка айлантириш ёки алмаштириши, шунингдек, уларнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиши, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш йўли билан қонуний тус берилиши тушунилиши лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, одатда, бундай пул маблағлари ёки мулкка нисбатан молиявий операцияларни амалга ошириш ва/ёки битимлар тузища ифодаланади.

Молиявий операцияларга пул маблағлари билан амалга ошириладиган ҳар қандай операциялар (нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, касса операциялари, шу жумладан, пул маблағларини ҳисобварағига киритиш, уларни турли банклардаги омонатларга бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиши, қимматли қофозлар сотиб олиш, пул маблағларини чегарадан ташқарига ўтказиш ва кейинчалик уларни банкдаги омонатга қайта тушириш ва х.к.).

Легаллаштириш амалга оширилиши мумкин бўлган битимларга, фуқаролик

хукуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартериш ёки тугатишга, шунингдек, фуқаролик хукуқ ва мажбуриятларининг пайдо бўлганлиги ёки ўтганлиги тасаввурини шакллантиришга қаратилган (масалан, олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айирбошлаш ва ҳ.к. шартномаларни тузиш) ҳаракатлар киради.

Қонун мазмунига кўра, жиноий йўл билан орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан ҳатто битта операция ёки битим амалга оширилган ҳолларда ҳам даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик келиб чиқади»;

қуйидаги мазмундаги **3.1-банд** билан тўлдирилсин:

«3.1. Молиявий операциялар ўтказиш орқали содир этилган даромадларни легаллаштириш шахс жиноий йўл билан топилган пул маблағларидан товарлар учун ҳисоб-китоб қилишда ёки майдалашда фойдаланган ёхуд пул маблағларини ўтказиш ва ҳ.к. ҳақида банкка фармойиш тақдим этган (берган) вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Даромадларни легаллаштириш битим тузиш орқали амалга оширилган ҳолларда, жиноят айбор шахс томонидан битим натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми бажарилган ёки ҳукуқларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмидан фойдаланган пайтдан (масалан, айбор томонидан шартнома бўйича бошқа тарафга легаллаштирилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни, битим бўйича мажбуриятни бошқа тараф бажарганлигидан қатъи назар, топширилган пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агар жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида, мулк билан фақат номигагина битим тузилган бўлиб, амалда у бўйича мулкни ўтказиш ёки хизматлар кўрса-

тиш (ишларни бажариш) назарда тутилмаган бўлса, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят айбор ва бошқа шахс ўртасида шартнома расмийлаштирилган пайтдан (масалан, пул маблағлари жиноий йўл билан топилганлигини яшириш учун тузилган хизматларга ҳақ тўлаш тўғрисидаги шартнома имзолangan пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади»;

қуйидаги мазмундаги **3.2-банд** билан тўлдирилсин:

«3.2. Шуни назарда тутиш лозимки, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш фактини исботлашда гумон қилинувчи, айланувчи ёки бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк номига расмийлаштирилган учинчи шахсларда даромадларнинг қонуний манбалари мавжуд эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар шахс томонидан ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар мажмуи билан бирга инобатга олиниши лозим»;

**4-банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Суднинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк келиб чиқишининг жинойлиги ҳақидаги хуносаси, жиноят ишидаги бошқа материаллар билан бир қаторда, қуйидагиларга асосланиши мумкин:

асосий жиноят бўйича чиқарилган айблов ҳукмига;

ЖПК 84-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, ишнинг асосий жиноят бўйича тугатиш тўғрисидаги дастлабки тергов органи қарори ёки суднинг ажримига, башарти жиноят иши материалларида асосий жиноят ҳодисаси ва жиноят таркиби борлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлса»;

**7-бандининг биринчи хатбошиси** «шахсга» деган сўздан кейин «асосий»

деган сўз билан тўлдирилсин;

**10-бандидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айrim масалалари тўғрисида» 2012 йил 25 майдаги 06-сонли қарори:

қуидаги мазмундаги **3.1-банд** билан тўлдирилсин:

«3.1. ЖК 12-моддасининг учинчи кисмига мувофиқ шахснинг Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясида бўлиши-бўла олмаслиги масаласини аниқлашда, жиноятчиликка қарши кураш ва жиной суд ишларини юритиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг юрисдикцияга оид қоидаларидан келиб чиқиш лозим.

Хусусан, Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенциясининг 7-моддаси қоидаларига кўра, чет эл фуқароси ёки Ўзбекистонда доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахс республика худуди ташқарисида содир этган жинояти учун, агарда, масалан, Ўзбекистонда бўлиб, бошқа давлат-Конвенция иштирокчисига ушлаб берилиши мумкин бўлмаса Ўзбекистон ЖК бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин. Ўхшаш нормалар БМТ Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни файриқонуйи равишда муомалага киртишга қарши кураш тўғрисида 1988 йил 20 декабрдаги конвенциясининг

4-моддаси, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясининг 15-моддаси ва бошқа шартномаларда назарда тутилган»;

#### **5-банди:**

**иккинчи хатбошиси** «ҳамда» деган сўздан кейин «суд,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**үнинчи хатбошиси** «суд қарорларини,» деган сўзлардан кейин «ижро ёзувларини,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**9-бандининг биринчи хатбошиси** қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қидирувда бўлган шахс хорижий давлат ҳудудида аниқланганда, уни ушлаш, хибсга олиш, ушлаб бериш ва этап қилиш масаласи унга нисбатан қидирув эълон қилган суд томонидан ажрим чиқариш ва тегишли ҳужжатларни, шу жумладан, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор, суднинг эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрими, қонуний кучга кирган суднинг ҳукми, шунингдек, ўталмаган жазо муддати ҳақидаги маълумотномани тасдиқланган нусхаларни расмийлаштириш йўли билан ҳал қилинади»;

#### **10-банди:**

**иккинчи хатбошисидаги** «ЖПК 418 ва 481-моддалари» деган сўзлар «ЖПК 418-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** «қайта квалификация қилиш» деган сўзлардан кейин «, шунингдек айловдан ЖКнинг бирор-бир моддасини чиқариш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**12-банди** «ўта хавфли рецидивист деб топиш» деган сўзлардан кейин «, жавобгарликни ёки жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар, шу билан бирга жазони ижро этиш колония турини белгилашда ино-

батга олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли қарори:

#### **5-банди:**

куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ЖПК 290-моддаси мазмунига кўра, гумонланувчи ва айбланувчига тегишли, учинчи шахсларда бўлган мол-мулкка ҳам, башарти иш бўйича иш юритиш давомида ушбу мулк амалда гумонланувчи ёки айбланувчига тегишли деб хисоблашга етарли асослар бўлса, тақиқ солиниши мумкин»;

**иккинчи ва учинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**6-бандининг биринчи хатбоши** куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Жиноят ишини қўриш учун тайинлашда суд жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш чоралари қўрилганиги, фуқаровий даъво киритилганлигини аниқлаши лозим. Агарда суриштирув, дастлабки тергов органи, прокурор томонидан бундай чоралар қўрилмаган бўлса, судья ЖПК 290, 396-моддаларига асосан, ўз ташабуси билан бундай чораларни қўради, бироқ суд бундай чораларни бевосита қўриш имкониятига эга бўлмаса, суриштирувчи ёки терговчига зарур чораларни қўриш мажбуриятини юклаш бўйича ажрим чиқаради (ЖПК 398-моддаси)»;

#### **8-банди:**

**учинчи хатбошидаги** «ёки назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФК 163-моддасига мувофиқ, жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи талаб қилишда даъво муддати қўлланилмайди»;

#### **11-банди:**

**иккинчи хатбошидаги** «Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-19, 01/19-20, 01/19-21 сонли қарори» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 июль куни 3239-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62-сон бўйруғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** «бартараф этишлари» деган сўзлардан кейин «, шунингдек, қўшимча ва қайта суд экспертизасини тайинлашлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**18-бандининг биринчи хатбошидаги** «ёки назорат» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

#### **19-банди:**

**биринчи хатбошидаги** «ФПК 60-моддаси учинчи қисми» деган сўзлар «ФПК 75-моддаси тўртинчи қисми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

#### **20-банди:**

**биринчи хатбошидаги** «ФПК 377-моддасида» деган сўзлар «ФПК 451-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошидаги** «ФПК 379-моддасида» деган сўзлар «ФПК 453-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**21-бандидаги** «жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон

Республикаси судлари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар» деган сўзлар «Қорақалпогистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидағи ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарори:

#### **16-банди:**

**биринчи хатбошиси** «озод қилиниши» деган сўзлардан кейин «(МЖтК 21-моддаси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«МЖтКда кам аҳамиятли хуқуқбузарлик тушунчаси очиб берилмаганлиги туфайли, содир этилган хуқуқбузарликни бундай деб топиш масаласи суд томонидан ишнинг муайян ҳолатлари, хуқуқбузарликнинг хусусияти, шу жумладан, МЖтК билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиддий тарзда бузилган-бузилмаганлигидан, айборнинг шахси, хуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий ёки қопланган маънавий зарар миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳал этилиши лозим»;

**қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Айрим маъмурий хуқуқбузарликларнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар МЖтК билан қўриқланадиган жамоат муносабатларини жиддий бузишини инобатга олиб, бундай хуқуқбузарликлар ҳеч бир ҳолда ҳам кам аҳамиятли деб топилиши мумкин эмас. Бундай хуқуқбузарликларга,

жумладан, МЖтК 54-моддаси иккинчи қисми, 99, 131-моддалари, 135-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, 136-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликлар киради»;

**учинчи хатбошиси** тегишинча тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

**20-бандининг иккинчи хатбошиси** «сабаблари» деган сўздан кейин «(масалан, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи, шунингдек, хуқуқбузарнинг оғир моддий аҳволдалигидан далолат берувчи ҳолатлар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**30-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар:

маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидағи ишларнинг тўғри ва муддатида кўриб чиқилиши устидан назоратни кучайтирасин;

маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидағи ишларни кўришда судлар томонидан маъмурий жазо чораларини тайинлашга доир қонун нормаларининг тўғри қўллалишини таъминласин;

қўйи судларга амалий ёрдам кўрсатиб, мазкур тоифага оид ишлар, шу жумладан, маъмурий жазо чораларини тайинлаш бўйича суд амалиётини мунтазам умумлаштириб борсин ва йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрсин».

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси  
К.КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси  
И.АЛИМОВ**



## МУСТАҚИЛЛИК ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ: ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР



Акмал САЙДОВ,  
Инсон хуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази  
директори, академик

Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>1</sup>ни шиддатли ва изчил амалга оширишнинг бешинчи йили ҳам якунига етмоқда. Ҳаракатлар стратегияси ўтган қисқа даврда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига асос солди.

Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг мустақил хуқуқий пойдевори эканини амалда намоён этиб улгурган ушбу дастуриламал хужжатнинг бешинчи устувор йўналиши «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш»<sup>2</sup> деб номлангани бе-

жиз эмас. Чунки, давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини, минтақамизда ҳавфсизлик, барқарорлик ҳамда ахил қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида юртимизнинг нуфузини ошириш йўлида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш, мамлакат атрофида ҳавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган ўзаро манфаатли ва амалий сиёсат юритиш давр талабидир.

Бу ўринда, авваламбор, Президент Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимиз ҳаётида, хусусан, унинг ташқи сиёсатида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси давлатлари – Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон билан ахил қўшничилик, ҳамкорлик, ҳамдўстлик алоқаларини ўрнатди. Бу ишларни амалга оширишда етакчилик қилди, ҳамкориклар ташаббускорига айланди.

Натижада ҳудудлараро ҳамкорлик бўйича манфаатли ечимлар топилди, дўстона ва савдо алоқалари кучайди, транспорт қатновлари йўлга қўйилди, давлат чегараларини демаркация ва демилитация қилиш бўйича мулоқотлар фаоллашди. Марказий Осиёда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш борасида янгидан ўзаро муштараклик юзага келди.

Шу маънода, мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида 2021 йил 15-16 июль кунлари «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзуусидаги халқаро конференция ўтказилгани ғоят муҳим аҳамиятга

эга. Бу конференцияни ўтказиш ташаббуси тўсатдан хаёлга келиб қолган шунчаки бир тасодифий ва омонат ғоя эмас, балки Ўзбекистон кейинги йилларда изчиллик билан илгари суроётган ва жаҳон ҳамжамияти кенг қўллаб-қувватлаётган, янада муҳими, ташқи сиёсий амалиётга теран татбиқ этилаётган бир қатор халқаро ҳамда минтақавий ташаббусларнинг узвий давомидир.

Бу ўринда изчиллик сўзига бекорга урғу бермаяпмиз. Негаки, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббуслар асосида кейинги 5 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 4 та резолюцияси қабул қилинди. БМТнинг 75 йиллик бутун тарихи давомида муайян бир шахснинг ташаббуси билан шунча резолюция қабул қилиниши тажрибаси кузатилмаган.

Ана шу муҳим ҳаётй воқеаликнинг оламшумул аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияларининг ҳар бири ҳақида муҳтасар тўхтalamиз.

**Биринчиси.** Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Анжуман хужжатлари натижасида БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 22 июндаги ялпи мажлисида «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинди. Бу Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон бошлаб берган улуғвор ишларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди.

Ўзбекистон Президенти афғон муаммосига таҳдид сифатида эмас, балки минтақавий ҳамкорликни янги бир босқичга олиб чиқиши имконини берувчи стратегик имконият сифатида қараш кераклигини халқаро ташкилотларнинг юқори минбарларидан

бир неча бор таъкидлади. Бу муаммони ҳал этишда тинч музокаралар ўтказишдан бошқа муқобил йўл йўқ эканини эътиборга олиб, Ўзбекистон ва Афғонистон ташаббуси билан 2018 йилнинг 26-27 марта кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича юқори дараҷадаги халқаро конференция ўтказилди.

Конференция Афғонистон ичидаги тинчлик жараёнининг сезиларли ривожланишига ҳисса қўшди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияда ушбу конференцияга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, конференция якунида қабул қилинган ва афғонлараро тинчлик музокараларини бошлаш бўйича ўзига хос «йўл харитаси»га айланган Афғонистон бўйича Тошкент декларацияси 2018 йил апрель ойида Бош Ассамблеяниң 72-сессияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

**Иккинчиси.** Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган ғоя асосида 2018 йил 12 декабрда Бош Ассамблеяниң ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилинди.

Резолюциянинг асосий мақсади барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Унда бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини химоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслиқ, таълим, тинчлик, инсон ҳуқуқлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани дикқатга сазовор.

Таҳлиллар шуни кўрсатди, халқаро терроризм ва экстремизм илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ҳамда бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш энг муҳим вазифалардан биридир.

**Учинчиси.** 2019 йил 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида «**Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш**» маҳсус резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Бу резолюцияни қабул қилиш ташаббуси илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил апрель ойида Пекинда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми доирасидаги учрашувда илгари сурилганди.

Ҳужжатда белгиланишича, Буюк ипак йўлининг Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтгани, минтақа мамлакатларининг жаҳон бозорларида туризмни тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари хорижлик сайёҳларнинг Марказий Осиёга бўлган қизиқшининг янада ортишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, БМТга аъзо давлатлар резолюцияда Марказий Осиё давлатларининг минтақавий барқарорлик ва изчил тараққиётни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссасини юксак баҳолаган, минтақада иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракат ва ташабbusларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини қайд этган.

БМТ Бош Ассамблеяси ташкилотга аъзо давлатлар, манбаатдор томонлар ва Жаҳон сайёҳлик ташкилотига Марказий Осиё давлатлари томонидан минтақада барқарор туризмни тарғиб қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашни таклиф этган.

Ҳужжат БМТга аъзо давлатларни Марказий Осиёда барқарор туризмни ривожлантиришга қаратилган йирик тадбирларда фаол иштирок этишга чақиради. Бу эса, минтақада сайёҳлик тармоғи ривожига хизмат қиласди.

**Тўртинчиси.** 2021 йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан «**Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар**

ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги резолюция бир овоздан қабул қилинди. Маълумки, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ташаббуси 2018 йил август ойида Туркманбоши шахрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи-давлатлари раҳбарларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илк бор илгари сурилган эди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Оролбўйи минтақаси Бош Ассамблея томонидан Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деган муҳим мақомга эга бўлган биринчи минтақага айланди. Президентимизнинг мана шундай ҳудудни яратиш бўйича ташаббуси 2030 йилгача бўлган даврда **Барқарор ривожланиш мақсадларига** эришиш йўлидаги умумий саъй-ҳаракатлар доирасида дунёнинг турли минтақаларида ҳам татбиқ этилади, десак муболаға бўлмайди. Бунга қадар, 2018 йил 27 ноябрда Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармасига асос солинганди.

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш аҳамиятини таъкидлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёsatни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро хуқуқий ҳужжат – **БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидағи халқаро конвенциясини** ишлаб чиқишини таклиф этди.

Бугунги кунда БМТнинг Ёшлар хуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳасини тайёрлаш ишлари изчил олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу конвенциянинг долзарблиги 2020 йили август ойида ўтган «Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор та-

раккиёт ва инсон ҳуқуқлари» Самарқанд форумининг халқаро иштирокчилари томонидан яна бир бор қайд этилди.

Шунинг учун ҳам Тошкентда 2021 йил 15-16 июль кунлари «Марказий ва Жанубий Осиё: мінтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси ташқи сиёсат соҳасидаги тизимли ишларнинг бевосита давомидир. Бу ташабbus – Марказий ва Жанубий Осиё, умуман, Евроосиё мінтақасини барқарор, иқтисодий ривожланган фаровон ҳудудга айлантиришга қаратилган тарихий ва маърифий, илмий ва амалий, изчил ва мантиқий, истиқболли ва самарали, содда қилиб айтганда, ҳар томонлама мағзи тўқ дастуриламал ҳисобланади.

Мураккаб пандемия шароитига қарамасдан, ушбу анжуманда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Гани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, Жанубий Осиё давлатлари ҳамда Россия, Хитой, Саудия Арабистони, Кувайт, Туркия ва Бангладеш – жами **44 та мамлакатнинг юқори марта-бали вакиллари иштирок этди**.

Халқаро конференцияда, шунингдек БМТ, Европа Иттифоқи, МДХ, ШХТ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби 30 га яқин халқаро ташкилот, шу жумладан, БМТнинг 10 та ихтинослашган муассасаси ва мінтақавий ташкилотлар делегациялари, жаҳоннинг етакчи молия институтлари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари, дунё эксперtlар ҳамжамиятининг таникли эксперtlари қатнашди.

**Иштирокчиларнинг сони қарийб 600 нафарга етди.** Давлатимиз бошлигининг Тошкент анжуманининг мўътабар меҳмонлари билан юзма-юз мулоқоти учун **14 та расмий қабул маросими ташкил этилди**.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси асосида ташкил этилган ушбу анжуман

нафақат Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари, балки бутун Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишга эришиш йўлида қўйилган ғоят муҳим тарихий қадам бўлди. Бундай қатъий фикр билдираётганимиз бежиз эмас.

Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манбаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратади»<sup>3</sup>.

Президент Шавкат Мирзиёев мінтақамизнинг жадал ривожланиш истиқболлари ва жаҳон иқтисодиётiga интеграциялашувини стратегик жиҳатдан теран кўра билгани туфайли Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги кўп асрлик тарихий алоқаларни тиклаш ташабbusини илгари сурди. Шу нуқтаи назардан, ушбу геосиёсий ёндашув ташқи алоқаларнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш орқали мінтақамизнинг улкан савдо-иктисодий, инвестициявий, транспорт-транзит, илмий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун вужудга келаётган янги имкониятларни тушунишга асослангани билан алоҳида эътиборни тортади.

Халқаро конференцияда бу ҳақда атрофлича гапирилди, турли фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Мазкур анжуманинг айрим ўзига хос ҳусусиятларини санаб ўтамиз.

**Биринчи ҳусусияти:** Тошкент халқаро конференцияси умумжаҳон миқёсидаги муаммоларни дадил кўтариб чиқишига ҳамиша энг етук давлат раҳбарлари қодирлигини янада яққол кўрсатди. Зеро, Жон Хопкінс универсitetи қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси ва раиси Фредерик Старнинг эътироф этишича, Шавкат Мирзиёев шундай салоҳиятга эга давлат раҳбарларидандир.

**Иккинчи ҳусусияти:** конференция ўз вақтида ўтказилди. Натижада жаҳон ахлини, миллий, мінтақавий ва глобал дарражадаги асосий иштирокчиларни ўй-

лантираётган долзарб муаммолар чукур муҳокама қилинди, ўзаро атрофлича фикр алмашилди. Туркия ташқи ишлар вазири Мевлут Чавуш ўғли қайд этганидек, «Минтақавий ўзаро боғлиқлик, таҳдидлар ва имкониятлар борасидаги ушбу конференция айни муддао ва ўз вақтида ташкил этилган тадбир бўлди». Бу фикрни кўплаб бошқа иштирокчilar ҳам таъкидлади.

**Учинчи хусусияти:** анжуманда юқори мартабали меҳмонлар иштирок этгани, бир томондан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро обрў-эътибори юксаклигидан далолат бўлса, иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонга катта ишонч билан қарashi ва давлатимиз раҳбари ташаббусларини кенг кўллаб-кувватлашининг амалий мисолидир.

Европа комиссияси вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррелнинг «Ўзбекистон етакчисининг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини мустаҳкамлаш борасидаги глобал ташаббуси муҳим аҳамиятга эга ва ўз вақтида илгари сурилаётган» ташаббус дея берган юксак баҳоси ҳам буни яққол тасдиқлади. У ўз ташрифининг сабаблари: биринчидан, Ўзбекистон Президентининг таклифига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, иккинчидан, Тошкент конференцияси мавзуси Европа Иттифоқини қизиқтириши билан боғлиқ эканини таъкидлади.

**Тўртинчи хусусияти:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқида кўтарилган барча ташаббуслар тўла қўллаб-кувватланди. Нима учун?

Чунки, аввало, айни ташаббуслар ҳозирги замон жаҳон сиёсатининг кун тартибида турган ва Тошкент халқаро анжуманида атрофлича муҳокама қилинган долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон мавзуси билан чамбарчас боғлиқdir. АҚШ Атлантика кенгашининг Евроосиё тадқиқотлари маркази директори Жон Хербст шундай қўламдор конференцияни ташкил этгани учун Президентимизга миннатдорчиллик билдирад экан, айниқса, айни вақтда Афғонистонда

юз бераётган воқеалар нуктаи назаридан, ушбу анжуманинг аҳамияти ниҳоятда долзарб эканини таъкидлади.

**Бешинчи хусусияти:** анжуман мавзуси юзасидан уч даражада: миллий, минтақавий ва глобал миқёсларда фикрлар билдирилди. Ф.Старр таъкидлаганидек, «биз янги бирон нарса бошлаётганимиз йўқ, бу қадимија ва ҳақиқий минтақанинг қайта кашф қилиниши, Жанубга йўлнинг қайта қурилишидир».

**Олтинчи хусусияти:** Янги Ўзбекистон ва унинг Президентининг ташаббускор, тинчликсевар, инсонпарвар ташқи сиёсати дунё афкор оммаси диққат марказида тургани яна бир бор ёрқин намоён бўлди.

Жанубий Кореядаги етакчи нашрлардан бири – «The Korea Post» журнали асосчиси ва президенти Ли Кён Шик ўз интервьюсида қайд этганидек, «буғун инсоният турли муаммолар гирдобида қолмоқда. Ана шундай бир шароитда минтақалар ўргасидаги савдо-иктисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, мавжуд муамма ва таҳдидларни биргаликда бартараф этиш, ўзаро ҳамжихатлик ва ахилликда умумбашарий қадриятларни мустаҳкамлаш келажакда Марказий ва Жанубий Осиё халқларининг кўп асрлик ўзаро алоқаларини янада ривожлантиришга ёрдам беради».

**Еттинчи хусусияти:** Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги элчиси Гусейн Гулиев эътироф этганидек, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ҳам, халқаро майдонда ҳам катта обрў-эътиборга эга. Бугунги кунда мамлакатнинг фикри инобатга олинмоқда, у муҳим ташаббусларни фаол илгари сурувчи ва глобал кун тартибини амалга оширишда фаол иштирок этувчи муҳим давлат сифатида танилди. Замонамида буларнинг барчаси жуда муҳим, чунки бундай глобал масъулиятли ишларни ҳамма давлатлар ҳам ўз зиммасига ололмайди. Ўзбекистон ташаббуслари тинчликни таъминлаш, баркарор ва адолатли ижтимоий-иктисодий тараққиёт учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференция Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг яна бир улкан ютуғи сифатида тан олинди. Ф.Старр таъбири билан айтганда, бу

конференция Ўзбекистон Президенти олиб бораётган ташқи сиёсатнинг бекиёс ғалабасидир».

Юртбошимизнинг халқаро конференциядаги тарихий нутқи нуфузли анжуман аҳли, мамлакатимиз ва бутун дунё жамоатчилиги ҳамда экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас.

**Биринчи аҳамияти:** матни ўзбек, инглиз ва рус тилларида кенг тарқатилган ушбу нутқда нима учун бундай анжуман ташкил этилганининг сабаблари аниқ кўрсатилди. Энг асосийси, Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратиши ҳар томонлама асослаб берилди. Ўзбекистон Президентининг нутқи, япониялик экспертнинг фикрича, оддий нутқ эмас, балки айни йўналишдаги Харакат дастуридир.

**Иккинчи аҳамияти:** Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигининг тарихий-назарий омиллари чуқур таҳлил қилинди. Ўзбекистон Президентининг фикрича, бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда.

**Учинчи аҳамияти:** Президентимиз минтақавий ўзаро боғлиқликтининг тарихий, илмий, адабий, диний, цивилизациявий мезонлари бўйича ўзига хос концепциясини илгари сурди. Концепция Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янги геосиёсий, геоиқтисодий ва геоцивилизациявий ёндашуви – квантэссенциясини ўзида мужассам этди.

Бу ўринда минтақавий ўзаро боғлиқликтининг мутлақо янги концепцияси, назарияси ҳақида сўз бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг ушбу Концепцияси шартли равишда уч қисмдан, яъни минтақавий ўзаро боғлиқликтининг:

- геосиёсий;

- геоиқтисодий;

- геоцивилизациявий асосларидан иборат.

Холбуки, шу вақтга қадар, одатда, бундай боғлиқликтининг факат геосиёсий ўлчами ҳақида сўз юритиб келинарди, холос.

**Тўртинчи аҳамияти:** нутқда Марказий ва Жанубий Осиё маконида тарихий ягона савдо-иқтисодий, илмий-маърифий, маданий-маънавий, диний-цивилизациявий боғлиқликтин янги тарихий шароитда тиклаш ғояси ана шу йўналишлар бўйича чуқур асослаб берилди. Яъни:

*биринчиси:* геосиёсий йўналиш – асосан, Афғонистон муаммоси билан боғлиқ;

*иккинчиси:* геоиқтисодий йўналиш – транспорт ва савдо-сотиқ, инновация ва инвестициялар маконини яратиш;

*учинчиси:* геоцивилизациявий йўналиш – маданият, маънавият, сайёҳлик, илмий изланишлар учун ягона макон яратишни кўзда тутади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг минтақалараро ўзаро боғлиқлиқ концепцияси нафақат Марказий ва Жанубий Осиё учун, балки дунёнинг бошқа минтақалари учун ҳам қўлланиши мумкин бўлган ёндашувдир.

Италияning Ўзбекистондаги элчиси Агостино Пинна таърифлаганидек, «Тошкент форуми Ўзбекистоннинг Европа ва Осиёни ўзаро боғлайдиган бўғин сифатидаги тарихий ўрнини намоён этмоқда. Чунки, анъанавий тарзда кўп асрлар давомида бу замин Европа ва Осиё ўзаро боғлиқлиқ, савдо алоқалари ва маданиятлар чорраҳаси бўлиб келган. Бугун ўз вақтида илгор бўлган минтақавий ўзаро боғлиқликтин XXI асрдаги фаровонлик ва тараққиёт учун қайта тиклаш имконияти юзага келмоқда».

**Бешинчи аҳамияти:** методология нуқтаи назаридан, Президент нутқи: тарихийлик, илмийлик, тизимлилик (синергетик ёндашув), прагматик ёндашув ва амалий натижаларга эришишга йўналтирилгани билан алоҳида эътиборга моликдир.

**Олтинчи аҳамияти:** нутқнинг кўргазмалик жиҳати ҳам диққатни тортади. Яъни, давлатимиз раҳбари ўз фикрларини харита,

турли чизмалар ва расмлар орқали кенг оммага шоён етказиб беришга муваффақ бўлди.

**Еттинчи аҳамияти:** Президентимиз нуткида минтақавий ўзаро боғлиқликни амалга ошириш бўйича 10 та устувор йўналишда: сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, туристик соҳалар бўйича таклифлар билдирилди.

Энг муҳими, Ўзбекистон Президенти Тошкент конференцияси якунлари бўйича Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида, умуман, Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг маҳсус резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқиши ташаббусини илгари сурди.

Аксарият эксперталар қайд этганларидек, совуқ уруш тугаганидан сўнг кўпчилик энди дунё давлатлари қайси йўлдан кетади, деган оддий, айни чоғда тақдируламал саволга жавоб излаб келарди. Шу маънода, Тошкент анжумани даврни белгиловчи кўламдаги тадбир бўлган бўлса, Ўзбекистон Президентининг нутқи энг етакчи сиёсатчилар ҳам орзу-ҳавас қилиб юрган юксак инсоний ғоялар ҳамда амалий таклифларни ўзида баралла акс эттиради.

Лойиҳада Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий боғлиқлиги бўйича юқори даражадаги доимий форумларни анъанавий мулоқот майдонига айлантириш таклифи акс этиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Шу тариқа конференция яна бир бор Тошкент руҳини тиклади.

Халқаро конференция иштирокчилари анжуман мавзуси доирасида кўтарилиган барча масалаларни ўзларининг мамлакатлари, минтақавий ва глобал миқёсдаги манфаатлари нутқи назаридан таҳлил қилган ҳолда, фикр-мулоҳазаларини очик баён этдилар. Мухокамалар якунида эришилган бир қатор дастлабки натижаларни кўрсатиш мумкин.

**Биринчи натижа.** Иштирокчиларнинг фикрича, ҳар икки минтақанинг инсон ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш лозим. Мавжуд транспорт-транзит имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда, қадимий Буюк ипак йўли, Буюк Ҳинд савдо йўлини тиклаш

орқали истиқболли ягона бозор яратиш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ялпи ҳудудини инвестиция, технология ва инновациялар, фаол гуманитар ва туристик алмаси-нувлар маконига айлантириш керак.

Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчиси Хенди Ассана бу ҳақда тўхтала экан, жумладан, шундай деди: «Конференция минтақанинг темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво, куруқлик ва денгиз орқали алоқалари инфратузилмасини ривожлантириш воситасида минтақавий боғлиқликнинг аҳамиятини намоён этди, деб хисоблайман. Ишончим комилки, бугунги глобаллашув даврида ҳеч бир мамлакат ўз иқтисодиётини бутун дунё билан интеграциялаштирилсанда ривожлантира олмайди».

**Иккинчи натижа.** Анжуман қатнашчилари томонидан ягона ялпи инновацион муҳит яратиш муҳимлигига ҳам эътибор қаратилди. Бунда, айниқса, транспорт-коммуникация инфратузилмалари билан боғлиқ кўп томонлама лойиҳаларни амалда татбиқ этиш жуда муҳимдир.

Покистоннинг Денгиз ишлари бўйича федерал вазири Али Ҳайдер Заидий Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, ўз мамлакати бундай ҳамкорликка тайёрлиги ва тегишли инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга ҳар жиҳатдан кўмаклашишини маълум қилди. Покистон вазири, жумладан, мазкур лойиҳалар нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун, балки Покистоннинг ўзи учун ҳам муҳимдир, чунки биз Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақасининг бозорларига чиқиши имкониятини кўлга киритамиз, деди.

**Учинчи натижа.** Конференцияда минтақалараро узвий боғлиқлик концепциясини амалга ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон Президенти илгари сурган улкан бирдамлик ғоясига узокни кўра билиш ва тўғри прогноз қилиш қобилиятининг ҳосиласи сифатида юксак баҳо берилди.

Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчиси Сунарио Картадината айни мавзуда сўз юритар экан, бу жуда оқилона ва мақбул қадам

бўлиб, Ўзбекистоннинг савдо-иктисодий, сиёсий ва ижтимоий келажагини ижобий томонга ўзгартиришига ҳамда мамлакатни янада йирик тортиш кучининг марказига айлантирган ҳолда хукумат ва халқни ҳайратлантиришига шубҳа йўқ. Бу Марказий ва Жанубий Осиёнинг кенг миқёсли геосиёсий маконида аниқ-равshan рўй беришига аминман, деб таъкидлади.

**Тўртинчи натижа.** Тошкент конференцияси халқаро майдонда қўллаб-кувватланди ва хорижий эксперталарнинг юқори баҳоларига сазовор бўлди. Энг асосийси, Ўзбекистон «локомотив», яъни етакчи давлат мақомига кўтарилиди.

**Бешинчи натижа.** Халқаро анжуман Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгича ташки сиёсатнинг улкан ютуғи ва мантиқий давоми деб эътироф этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Тошкент халқаро конференцияси натижалари шу икки минтақа ҳудудида яшайдиган оддий одамларга нима беради?

Аввалимбор, Буюк ипак йўли каби азалий халқаро савдо йўлларининг тикланиши бозорларимиздаги тўкинликни таъминлайди. Бу эса, маҳсулотларнинг тури тубдан ортиши, турфа товарлар сифати янада яхшиланиши ва нарх-наво арzonлашишига олиб келади.

Шунингдек, маданиятлараро ранг-баранглик кучаяди. Бу, ўз навбатида, ҳар хил маданият, тил ва динга мансуб неча миллионлаб инсонлар ўртасида ўзаро ишонч ва самимий мулоқот, бағрикенглик ва бирдамлик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини тубдан мустаҳкамлайди.

Қолаверса, олис тарихда – Биринчи Шарқ Уйғониши ва Иккинчи Темурийлар Ренесанси даврларида бўлганидек, тижорат ва савдо-сотик, саёҳат ва зиёрат, билим олиш

ва илм ўрганиш мақсадини кўнглига туккан ҳар бир инсоннинг ана шу улкан маконда эмин-эркин ҳаракатланишига кенг йўл очилади. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Цзянь Янь сўзлари билан айтганда, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича ташаббуси Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ташаббуси билан ҳамоҳанг.

Шундай қилиб, конференция икки минтақа ўртасида икки томонлама ва минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш борасида янги даврни бошлаб берди.

Икки минтақа тез ривожланаётган макон хисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси икки минтақа ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича стратегик лойиҳадир.

Конференция Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича янги формат бўлиб хизмат қиласи. Зоро, минтақалараро боғлиқлик доирасидаги ўзаро ҳамкорликдан барча мамлакатлар манфаатдор.

Минтақавий ҳамкорлик – регионализм – ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасида хавф-хатар камаяди, хавфсизлик даражаси оргади.

Ўзбекистон Президенти минтақада стратегик мувозанатни таъминлашга интилмоқда. Бинобарин, халқаро муносабатларга янги рух, янгича иқлим баҳш этилди. Регионализмнинг янги руҳи яратилди.

Албатта, биз баён этган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси халқаро конференция ҳақидаги дастлабки таассуротларимиздан иборатдир. Тошкент анжумани якунларини миллий, хорижий ва халқаро экспертлар ҳали кенг таҳлил ва талқин этиб, холис баҳо беришларига ишонамиз.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан // «Янги Ўзбекистон» газетаси, 2021 йил 17 июль.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ – ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ МУХИМ КаФОЛАТИ

Янги Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуслари билан фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш борасида ислоҳотларнинг янги даврига асос солинди. Ушбу ислоҳотларга 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мухим пойдевор бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Маълумки, қонун устувор бўлган жамиятда адолат қарор топади, одамлар давлатдан рози бўлади. Шу боис, мамлакатимиз Конституцияси 16-моддасининг иккинчи қисмида бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-хукукий хужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган. Ушбу меъёрга риоя этилиши Конституциявий суд томонидан назорат қилинади.

Конституциявий суд юрисдикцияси қўп йиллик тарихга эга. Манбаларда 1803 йилда АҚШда Мерберининг Медисонга қарши кўрилган иши конституциявий юрисдикция, яъни қонунлар устидан конституциявий назоратнинг бошланиши, деб эътироф этилади. Ўшанда АҚШ Олий суди биринчи бор агар Конгресс қабул қилган қонунлар мамлакат Конституциясига зид бўлса, ижро этилмаслиги мумкин, деб тан олган.

Ўзбекистонда конституциявий назорат институти мустақилликнинг илк даври, яъни ўтган асрнинг 90-йилларида пайдо бўлди. Юридик адабиётларда Конституциявий назорат комитети ташкил этилиши Ўзбекистонда Конституциявий мустақиллик

йўлида ташланган илк қадам, деб эътироф этилади. Айни пайтда фаолият юритаётган мамлакатимиз Конституциявий судини ҳақли равища мустақиллик меваси ёки тенгдoshi деб атасак, тўғри бўлади.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун дастлаб 1993 йил 6 майда қабул қилинган. Бироқ, ўша пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан Конституциявий суд ваколати вақтингчалик Конституциявий назорат қўмитаси зиммасига юклатилган.

Айни пайтда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган.

Айтиш жоизки, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Конституциявий суд фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг хукукий асосларини такомиллаштириш масаласи янги давр талаби ва эҳтиёжларига мос рашида қайта кўриб чиқилди. Айнан шу зарурат туфайли 2017 йил 31 майда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун асосида Конституциявий суд ваколати доираси кенгайди, судья ваколати муддати, судья лавозимига номзодга қўйиладиган талаблар, уларнинг ваколат муддати билан боғлиқ қатор янги меъёrlар жорий қилинди.

2019 йил 13 декабрда қабул қилинган «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-

ги Президент қарорида Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларга Инсон ҳуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларни ҳам киритиш, Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал ҳусусиятлари (судга масала киритиш тартиби, суд муҳокамаси, муддатлари, суд қарорлари ижроси ва бошқалар)ни тартибга солувчи меъёрларни жорий этиш вазифаси белгиланди. Ушбу янги меъёрлар жорий йил 12 март куни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонундан ўрин олди. Мазкур Қонун шу йилнинг 27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва матбуотда эълон қилинди.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг афзал жиҳатларидан бири шундаки, унда Конституциявий судда иш юритишнинг барча процессуал босқичлари, яъни мурожаатларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ва ўрганиши, ишни кўриш учун қабул қилиши, суд ишларини юритиш иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд муҳокамаси, суд қарорлари, суд мажлиси баённомаси ва бошқа ҳаракатлар конституциявий қонун даражасида белгиланди.

Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоячилари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуqlари бўйича вакили (омбудсман) ўринbosари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузури-

даги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳисобига кенгайди.

Янги таҳрирдаги Қонунга биноан, агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳамда судда кўрилиши туғалланган муайян ишда қўлланилган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақли бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларга олдин бундай ҳуқуқ ёки ваколат берилмаган. Уларнинг шикояти Конституциявий суднинг учта судьяси томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг Конституциявий суд муҳокамасига киритилган. Агар улар лозим топмаса, мурожаат қилган фуқарога фақат тушунтириш берилган, холос. Бундай тартиб, табиийки, фуқароларни ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маълум маънода маҳрум қилган. Янги Қонунда айни шу ҳолатга чек қўйилди.

Мухтасар айтганда, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайишига, бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

**А. РАҲИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Конституциявий суди девони раҳбари,**  
**юридик фанлар номзоди**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ

Ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ва дунё ахборот алмашинувининг жадаллашуви жамиятнинг барча соҳаларига, шу жумладан, давлат хизмат кўрсатиш ва идоралар ўртасида рақамли ҳамкорлик йўналишларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ушбу соҳанинг рақамлашуви натижасида «Электрон ҳукумат» тушунчasi вужудга келди.

Электрон ҳукумат кенг маънода замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш орқали давлат хизматларини кўрсатишни ташкил этиш бўйича давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини таъминлаш чора-тадбирларидир. Бундан ташқари, электрон ҳукуматни давлат идоралари хизмат кўрсатиш тизимининг тезкорлиги, самарадорлиги, очиқлиги ҳамда шаффоғлигини таъминлаш мақсадида рақамли воситалардан фойдаланиш усули деб ҳам ҳисоблаш мумкин.

Бутун дунёда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланиш жараёнлари Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши халқимиз фаровонлигини ошириш ва мамлакат иқтисодий ўсишининг муҳим омили сифатида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Соҳадаги жадал ўзгаришлар натижасида янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ўзига хос институционал тизим шаклланиб борди.

«Ахборотлаштириш тўғрисида» ва «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» 2013 йил 27 июндаги 1989-сонли қарорнинг қабул қилиниши мамлакатда ахборот технологияларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини жорий қилишда алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш бўйича Комплекс дастур тасдиқланган. Унинг тарки-

бида Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш дастури, «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари комплекси ва маълумотлар базаларини яратиш бўйича лойиҳалар ва чора-тадбирлар рўйхати тасдиқланган. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси қошида ушбу тизимларни жорий этиш бўйича умумий техник сиёсатни олиб бориш учун «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказлари ишга туширилган.

Аҳолининг интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш учун 2013 йил 1 июлда Ягона давлат интерактив хизматлари портали ([www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)) ишга туширилди. 2015 йил 17 мартаңдан эса, Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали ([data.gov.uz](http://data.gov.uz)) фойдаланишга топширилди. Мазкур ишларнинг мантиқий давоми қонун хужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини алоҳида портал кўринишида ишга тушириш эди. Мазкур тизим 2015 йил 1 январдан ишга туширилиб, Ягона давлат интерактив хизматлари порталининг алоҳида бўлимида аҳоли эътиборига ҳавола этилди<sup>1</sup>.

2016 йил 10 июнь куни «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуннинг кучга кириши жамиятимизда идоралараро, идоралар ва фуқаролар, тадбиркорлар ўртасидаги электрон муносабатларнинг ривожланиши, фуқаро манфаатларнинг мустаҳкам ҳимояланиши, Интернет тармоғида таълим-тарбиявий, фойдали контентнинг яратилиши, ахборотлаштириш соҳасида катта ўзгаришларнинг кенг камровли янги босқичини бошлаб берди.

Электрон ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистонда тегишли ҳуқуқий база ишлаб чиқилиб, институционал тизим шакллантирилиб борилган бўлса-да, унинг амалда самарали ишлашида баъзи муаммолар мавжуд эди.

**Биринчидан**, маъмурий тартиб-таомил-

ларни такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва давлат органларининг барча даражаларида мурожаат этувчилар билан ўзаро ҳамкорлик жараёнларини ортиқча бюрократлаштириши тубдан қисқартириш бўйича таъсиран чоралар кўрилмади.

**Иккинчидан**, давлат хизматлари кўрсатишида «ягона дарча» тамойилини кенг жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, давлат органларида фуқароларга хизмат кўрсатиш сифати қониқарсиз қолган.

**Учинчидан**, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашда тизимли ёндашув мавжуд эмас эди. Айрим давлат органларида аҳоли билан расмий мулоқот маданияти қониқарсиз бўлган.

**Тўртингчидан**, давлат органларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида фуқаролар ва ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги рақами маълумотлар ҳажми тартибга солинмаган. Улардан фойдаланишни назорат қилиш ва ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари мавжуд бўлмагани ахборот хавфсизлигига ва инсон ҳукукларига жиддий таҳдид солган.

**Бешинчидан**, мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида замонавий ахборот технологияларидан, компьютер ва мобиль технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини кенгайтиришда рақами тафовут кучли эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувоғик мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди.

Мазкур тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бевосита Давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишининг таъсиран механизмига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига ўтган қисқа даврда 5 миллион 100 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани ҳам бунинг якқол тасдифидир<sup>2</sup>.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, унда «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишининг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш вазифалари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда электрон ҳукумат бўйича меъёрий-ҳукукий базани шакллантириш билан бирга соҳадаги дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш институционал тизими ҳам ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 июндаги 409-сонли қарори асосида «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси ташкил этилиб, унинг вазифаси «Электрон ҳукумат» тизими доирасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали ва шаффоғ механизмларини яратувчи, шунингдек ушбу соҳадаги лойиҳалар, лойиҳа ва техник ҳужжатларни сифатли экспертиздан ўтказишни таъминлаш этиб белгиланди. 2020 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан «Рақами Ўзбекистон – 2030» стратегияси қабул қилиниб, мазкур Стратегия доирасида ҳудудларни ва тармоқларни рақами трансформация қилиш дастурлари белгиланди. Бугунги кунда ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш борасида «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимининг янги талқини ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Эски тизимда рўйхатдан ўтган фаол фойдаланувчилар маълумотлари янги тизимга автоматик миграция қилинди<sup>3</sup>.

Умуман олганда, бугунги кунгача «Электрон ҳукумат» тизими соҳасида қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

Жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари электрон ҳукумат хизматларидан масофадан туриб қулай ва осон фойдаланиш-

лари учун 2020 йил декабрь ойида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янгиланган талқини ишга туширилди. Бунда порталга бир қанча янгиликлар ва ўзгартишлар киритилди, хусусан биргина олис ва чекка худудлардаги 500 дан ортиқ почта алоқа обьектларида 17 турдаги электрон давлат хизматларини кўрсатиши йўлга қўйилди.

Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталининг янги талқини ишлаб чиқилиб, маълумотлар тўлдириш жараёни давом этмоқда. Портал давлат органларининг ахборот тизимлари интеграцияси ҳамда маъ-

лумотларни ўз вақтида янгилашни мониторинг қилишни таъминлайди. Бугунги кунга қадар порталга 149 та давлат идоралари томонидан 11 мингдан ортиқ маълумотлар тўплами жойлаштирилган бўлиб, улардан фойдаланишлар сони 7,5 миллиондан ортган.

Давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда худудларнинг рақамли ривожланиши ҳолатлари «диагностикаси»ни ўtkазиш, муаммоли масалаларни аниқлаш, лозим топилса, уларни ҳал қилиш йўлларини топиш мақсадида маҳсус баҳолаш методикалари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда «Электрон ҳукумат лойи-

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда электрон ҳукуматни шакллантириш бўйича қабул қилинган қарор ва қонунлар, шунингдек институционал ўзгаришлар ёритилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда «Электрон ҳукумат» тизими соҳасида амалга оширилган ишларнинг ютуқ ва камчиликлари билан бир қаторда 2017–2021 йилларда амалга оширилган кенг ислохотлар натижасида соҳадаги муаммоларнинг бартараф этилганлиги, мустаҳкам қонунчилик базаси ҳамда ўзига хос институционал тизим яратилганлиги алоҳида таъкидланган. Мақола сўнггида «Электрон ҳукумат» тизимини янада такомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган ишларни давоми сифатида таклиф ва тавсиялар ҳам келтириб ўтилган.

**Калим сўзлар:** электрон ҳукумат, интернет, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ахборотлаштириш, давлат хизматлари, масоғавий хизматлар, рақамлашув.

\* \* \*

В данной статье рассматриваются принятые решения, законы и институциональные изменения по формированию электронного правительства в Узбекистане. Отмечаются достижения и проблемы в области системы электронного правительства. Особое внимание уделяется описанию устранения проблем и созданию прочной законодательной базы в результате масштабных реформ, проведенных в 2017–2021 годах. Обсуждены также предложения и рекомендации по дальнейшему продолжению работы, проводимой в области совершенствования системы электронного правительства.

**Ключевые слова:** электронное правительство, интернет, современные информационно-коммуникационные технологии, информатизация, государственные услуги, дистанционное обслуживание, цифровизация.

\* \* \*

This article discusses decisions and laws adopted on the formation of e-government in Uzbekistan, as well as institutional changes. In addition, it was noted achievements and shortcomings carried out in the field of e-government in Uzbekistan. Special attention is paid to the elimination of problems and the creation of a solid legislative framework and specific institutional system as a result of the large-scale reforms in 2017-2021.

At the end of the article, suggestions and recommendations are also discussed as a continuation of reforms carried out in the field of further improvement of the e-government system.

**Key words:** E-government, Internet, modern information and communication technologies, informatization, public services, remote service, digitalization.

ҳаларини бошқариш маркази» томонидан ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш борасида Ягона идентификация тизимининг янги талқини ишлаб чиқилиб, ишга туширилди ([www.id.egov.uz](http://www.id.egov.uz)). Аввалги тизимда рўйхатдан ўтган фаол фойдаланувчилар маълумоти янги тизимга автоматик тарзда ўтказилди. Тизимнинг ишга тушганига қисқа вақт бўлганига қарамай, фойдаланувчилари сони 220 мингтага ортиб, 820 минг нафарга етди (аввалги тизимда 600 мингта эди). Ҳозирги кунда ушбу тизимга давлат идоралари ва ташкилотларининг 60 дан ортиқ ахборот тизимлари ва ресурслари интеграция қилинган.

Давлат органларида электрон ҳукуматнинг жорий этилган ва этилаётган ахборот тизимлари ҳисобини юритиш ва мониторингини олиб бориш, шунингдек лойиҳа-техник ҳужжатларини кўриб чикиш жараёнини электрон шаклга ўтказиш имкониятини яратиш мақсадида Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурсларининг ягона реестри ахборот тизими яратилиб, ишга туширилди.

Ўзбекистон «Электрон ҳукумат» тизими соҳасида қисқа даврда амалга оширилган ишлар ва унинг бугунги кундаги самарали фаолияти хорижий эксперт ва халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича дунё давлатлари рейтингида 2016 йилда эълон қилинган «Электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича БМТ таҳлили» (United Nations E-Government Survey)да Ўзбекистон 20 погона илгарилаб, 193 та давлат ичида 80-ўринни эгаллаган<sup>4</sup>. 2020 йилда эса, ушбу ташкилотнинг Электрон иштирок этиш индексига кўра (E-Participation Index, EPI), Ўзбекистон 59-ўриндан 46-ўринга кўтарилиб, ўз погонасини 13 та пунктга яхшилаган.

БМТ тараққиёт дастурининг рақамли инновациялар ва ижро этувчиофисини баҳолаш бўйича вакиллари Ўзбекистоннинг жамиятни қамраб олувчи рақамли трансформацияга

тайёрлигини юқори баҳолади.

Хулоса ўрнида Ўзбекистонда «Электрон ҳукумат» тизимини янада такомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг давоми сифатида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

**биринчидан**, «Электрон ҳукумат» тизими соҳасидаги ҳуқуқий ва меъёрий базани янада такомиллаштириш, инновацион тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва дунё талаблари бўйича, айниқса, БМТ услубларига кўра «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир;

**иккинчидан**, тегишли маълумотларни барча учун очиқ эълон қилиш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш соҳадаги муҳим ишлардан биридир;

**учинчидан**, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» лойиҳасига кўра замонавий ахборот технологиялари соҳасида инсон капитали, кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари хизмат кўрсатишини электрон шаклга трансформация қилиш соҳада олиб борилаётган ишларда ўз самарасини бериши мумкин;

**тўртинчидан**, ахборот ресурслари соҳасида электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ҳамда рақамли хизмат кўрсатувчи давлат идора ва ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ушбу соҳани тизимли ривожлантиришнинг муҳим босқичларидан ҳисобланади;

**бешинчидан**, давлат идоралари ва бошқа ташкилотларнинг электрон хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этишда ахборот хавфсизлиги ва маълумотлар ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кўриш зарур.

**Б. ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги ҳузуридаги**  
**Ҳуқуқий сиёsat тадқиқот институти**  
**масъул ходими**

<sup>1</sup> <http://old.my.gov.uz/uz/news/smi>.

<sup>2</sup> [https://pm.gov.uz/uz/#/appeal\\_app\\_root](https://pm.gov.uz/uz/#/appeal_app_root).

<sup>3</sup> [https://www.aza.uz/uz/posts/elektron-hukumat-amaliy-ishlar-muammolar-muhokama-qilindi\\_264001](https://www.aza.uz/uz/posts/elektron-hukumat-amaliy-ishlar-muammolar-muhokama-qilindi_264001).

<sup>4</sup> <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Data-Center>.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишидир. Бу йўлда давлатимиз барча куч ҳамда воситаларни сафарбар қилмоқда.

Дунё ҳамжамияти билан муносабатларимиз миллати ва мавқеи, эътиқоди ва қарашларидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари нуқтаи назаридан йўлга қўйилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 46-сессиясидаги маърузасида Ўзбекистон сўнгги йилларда Кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганини таъкидлаб, янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган демократик ислоҳотлар ортга қайтмайдиган даражада тус олганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват» ташаббусини илгари суриш учун Кенгаш аъзолари, барча шерикларимиз билан яқин ҳамкорликни давом эттирамиз.

Таҳлиллар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик уфқлари кенгайган сари халқаро илғор ҳуқуқий стандартлар миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўпроқ акс эта бошлаганини кўрсатмоқда.

Жумладан, БМТнинг Ирқий камсишишни тугатиш бўйича қўмитасининг якуний мулоҳазаларини ва тавсияларини бажариш юзасидан Миллий ҳаракатлар режаси доирасида Бош прокуратура то-

монидан қатор муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Республикамизда 2020 йил якуни бўйича 28 мингдан ортиқ лўли болалири қайд этилган. Уларнинг 15 минги уй, 428 нафари мактабгача таълим, 12 минги мактаб, 98 нафари ўрта маҳсус қасб-хунар таълими билан қамраб олинган. 2018 йилда 1 200 дан, 2019 йилда 1 400 дан ва 2020 йилда 1 800 дан ортиқ лўли болаларига ижтимоий ёрдам берилган.

Қайд этилган этник групкалар ва апатридлар учун ҳуқуқий ҳимоя масалалари бўйича Бош прокуратура Академияси томонидан Ички ишлар вазирлиги Академияси билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ўтказилган.

БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тузилмалари билан ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Жорий йил давомида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг давлатимиздаги алоҳида шахслар бўйича 10 дан зиёд қарорлари бажариш учун келиб тушди.

Бинобарин, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ заарар етказиш бўйича жавобгарлик асослари (деликт ва қатъий жавобгарлик), турлари ва исботлаш стандартлари, шунингдек рақамли далилларни олиш, кўриб чиқиш ва баҳолаш тартибига оид фундаментал қоидаларни киритиш тақозо қилинмоқда.

Бундай тавсифдаги қоидалар инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини қулайлаштиради, бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши тезлиги ва сифатини оширишга хизмат қиласи, заарар етказиш

бўйича жавобгарлик юкини тўғри тақсимлаш ва жавобгар шахслар доирасини аниқлашда асосий ўрин тутади.

Шуниси муҳимки, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакат етуклигининг энг асосий белгиси бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада жавобгарлик институтини такомиллаштиришга, шу билан бирга, етказилган зарарни қоплашнингadolатли тартибини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мисол учун, ўтган йилда фақат сайёр қабулларнинг ўзида у ёки бу жиҳатдан ҳуқуқлари бузилган 52 мингдан зиёд фуқаронинг муаммолари, 187 мингга яқин фуқаронинг мурожаатлари бевосита прокуратура органларида ўрганиб чиқилиб, ҳал этилди.

Қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти доирасида қарийб 122 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, 29 мингта ноқонуний хужжат қонунга мувофиқлаштирилди, судларга 241 млрд. сўм зарарни ундириш тўғрисида 8 минг 200 дан зиёд ариза киритилди.

Ушбу масаланинг муҳимлиги Ўзбекистоннинг тегишли давлат органлари ва манфаатдор томонларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ҳалқаро ҳуқуқий инструментларнинг асосий тамойиллари ва қоидалари тўғрисида хабардор қилиш, уларнинг давлатимиз учун долзарблиги, уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ва ҳалқаро илғор тажрибалардан қандай фойдаланиш мумкинлигини муҳокама этишини тақозо қилмоқда.

Масалан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситалари шаклланиб бораётган бир вақтда Европа кенгаши инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий касб эгаларига энг илғор билимларни етказиб бериш-

га жиддий киришган.

Жумладан, Европа Кенгаши доирасида 7 йилдан буён фаолият юритаётган HELP (HELP – Hum an rights Education for Legal Professionals) дастури аъзо-мамлакатларда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича таълим натижаларини яхшилаш ҳамда HELP тармоғи аъзолари ва шериклари билан икки томонлама ва худудий ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишга хизмат қиласди.

HELP лойиҳаси юридик касб эгаларига миллий даражада инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди стандартлари тўғрисида маълумотларга эга бўлишга ҳам ёрдам беради.

Маълумки, энг катта ҳалқаро суд хисобланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судида 57 нафар судья ва 650 нафардан зиёд хизматчи фаолият юритади. Ҳар йили келиб тушаётган 50 мингдан зиёд мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича Европа суди томонидан миллий судларнинг қарорлари бекор қилинмайди, балки миллий ҳуқуқ тизимидағи инсон ҳуқуқларини бузилиши ҳолатлари қайд этилади.

Масалан, «Акмалов Россияга қарши» иши бўйича Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 8-моддаси талаблари бузилганлиги эътироф этилган. Яъни, ушбу давлатда магистратурани таомомлаган Акмалов мазкур олий таълим маскани аспирантура босқичида ўқиши давом эттириш учун Россияга келганида миграция хизматидаги чалкашликлар негизида депортация қилингани, аспирантурада ўқиш ҳуқуқи тасдиқланганидан сўнг ҳам чегарадан иккинчи маротаба асоссиз ўтказилмагани сабабли унга етказилган 5 минг евродан зиёд моддий ва

маънавий зарарни ундириш ҳақида суд қарори қабул қилинган.

HELP дастури доирасида юқоридағи каби суд-хуқуқ амалиёти шарҳлари хуқукий касб әгаларига етказилиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда одил судловга эришиш, самарали хуқукий ёрдам олиш хуқуқини таъминлаш, камситмаслик ва тенглик тамойилларига риоя қилиш ахволи яхшиланади.

Шу тарзда бугунга келиб, HELP платформасида қамоқда ушлаб туришнинг муқобил чоралари, биотиббиётда инсон хуқуқларининг устувор тамойиллари, болага дўст бўлган одил судлов ва инсон хуқуқлари, бизнес ва инсон хуқуқлари, шахсий маълумотлар ва шахсий ҳаёт, оила хуқуқи, спортда инсон хуқуқлари, одам савдоси ва замонавий қулчилик шаклларига қарши курашиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг хуқуқлари, инсон хуқуқлари қаторида меҳнат хуқуқлари, мулк хуқуки ҳамда Инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси, жиноят ишлари бўйича суд ҳукмларининг асослилиги, жисмоний дахлсизлик хуқуқи (Биоэтика), аёлларнинг одил судловга эришиши, атроф-муҳит ва инсон хуқуқлари, фармацевтика жиноятчилиги каби туркум курслар яратилган.

Жорий йилнинг 1-2 июль кунлари Франциянинг Страсбург шаҳрида Европа Кенгаши томонидан ташкил этилган «Human Rights Responses to Global Challenges» HELP Network йиллик конференциясида миллий озчиликлар манфаатларига амал қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, рақамли майдонда ёш авлод хуқуқларини ҳимоя қилиш, юқори технологик муаммолар масалаларига устувор аҳамият қаратилди.

Конференцияда ўтган йил давомида иштирокчиларининг сони икки баравар-

га ошган HELP дастури бўйича инсон хуқуқларини яхшилаш юзасидан европа-ча таълим бериш, HELP дастури бўйича ҳамкорлик уфқлари, инсон хуқуқларини ҳимоялашнинг минтақавий дастаклари, сунъий интеллект, давлат хизматининг асосий тамойиллари мавзуларида муно-заралар ўтказилди.

Мунозараларда коронавирус пандемиясигача бўлган даврдаги ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий муносабатларни тўлиғича тикланмаслиги, иқтисодий ва хуқукий мулоқот тавсифи сезиларли ўзгариши, пандемия муносабати билан дунёда қўлланилган чеклашлар бирин кетин ечилиши билан ижтимоий ҳаёт, иқтисодий алоқалар ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларига, хусусан шахсий муносабатлар тавсифига унинг етказган оқибатлари тўлароқ англаниши ҳақида ишончли маълумотлар тақдим этилди.

Энг муҳими, пандемия таъсирида бизнес майдони ва хизматлар кўрсатиш соҳасига энг илғор рақамли технологиялар, сунъий интеллект жадал суръатларда кириб келиб, онлайн ишни ташкил этишга мақбул шароитлар яратса олган давлатлар тез суръатлар билан ривожла-нища устунликлар ва молиявий жозибадорликка эга бўлади.

Мазкур тадбирда чиқиш қилган Европа Кенгаши, Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси, Инсон хуқуқлари бўйича Европа суди, Европа Кенгаши Инсон хуқуқлари директорати, вакиллари:

- Марказий Осиёнинг Европа Кенгаши билан ягона хуқукий майдонини шакллантириш, инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик, демократия ва суд ҳокимиятини мустахкамлаш;

- Марказий Осиёни HELP дастури Европага «яқинлаштириш»га имкон бериши;

– қонун устуворлиги давлатнинг муваффақиятли ривожланишини ажралмас шарти эканлиги, инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий сиёсатни ривожлантиришга Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш инструментлари самарали ёрдам бериши (223 та конвенция, хартия, битим ва бошқалар);

– инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишини эълон қилиш билан бирга бу борадаги халқаро стандартларни имплементация жараёнини чукурлаштириш, ҳуқуқий билимларни оммалаштиришнинг муҳимлигини таъкидладилар.

Конференция майдонида европаликлар томонидан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини тўла ва самарали рўёбга чиқаришга қаратилган ислоҳотлар жараёни қизиқиш билан кузатиб борилаётгани, HELP дастури бўйича илк дадил қадамлар ташлангани ва бу ўринда Ўзбекистон прокуратурасининг самарали фаолияти ҳақида маълумотлар берилди.

Миллий эксперталарни жалб қилган ҳолда HELP дастурини давлат тилига таржима қилиш ва Ўзбекистоннинг ГСП+ га қўшилганини инобатга олиб HELP дастуридаги бизнес ва мулк ҳуқуқи курсларини мамлакат эҳтиёжларига адаптация қилишни тезлаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, конференция майдонидаги учрашувларда Ўзбекистон мамлакат тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига 2021–2023 йилларга сайлангани, ушбу мақомдан инсон ҳуқуқларини фаол қўллаб-кувватлаш ва бу ҳуқуқларни хурмат қилмаганларни жавобгарликка тортишга чақириш учун фойдаланиш зарурлиги ҳамда Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш институтлари билан конструктив мулоқот муҳимлиги таъкидланди.

Фикримизча, Европа Кенгашининг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда, **биринчидан**, HELP дастурининг Европа ва Марказий Осиё ўртасида умумий ҳуқуқий макон яратишни тарғиб қилиш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадларини қўллаб-кувватлаш лозим.

**Иккинчидан**, Ўзбекистонда HELP дастурини ишга тушириш Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва Европа Кенгashi билан Ўзбекистоннинг бир-бирини тушунишини яхшилашга ва ҳуқуқий ривожланиш манфаатлари йўлида мувознатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга имконият яратишни назарда тутиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Учинчидан**, короновирус инфекциясининг тарқалиши ва у билан боғлиқ муаммолар ҳуқуқий билимларни оммалаштиришнинг барча кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда илғор рақамли технологияларга асосланган, сиёсатдан холи бўлган ва самарали ҳуқуқий инструментлар ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам қилган HELP дастурини Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш фойдалидир.

**Тўртингчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳасида малакали мутахассисларга бўлган юқори эҳтиёждан келиб чиқиб, HELP дастури иштирокида бизнес ва инсон ҳуқуқлари, спортда инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари қаторида меҳнат ҳуқуқлари, атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқлари курсларини давлат тилига таржима қилиш ва миллий эҳтиёжларга адаптация қилишни бошлаш мақсадга мувофиқдир.

**Т. УМАРОВ,**  
**юридик фанлар доктори**

## МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР АМАЛДА ҚЎЛЛАНИЛМОҚДАМИ?

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурӣ тартиб-таомиллар тӯғрисида»ги Қонуни 2019 йил 8 январдан кучга кирди.

Ушбу Қонун маъмурӣ органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурӣ-хуқуқий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун хужжатларига мувофиқ бошқа маъмурӣ-хуқуқий фаолиятига нисбатан татбиқ этилади.

Бироқ, судлар томонидан кўриб чиқилаётган маъмурӣ ишлар таҳлили маъмурӣ органлар томонидан ушбу Қонун талабларига амал қилмаслик ҳолатлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, Қонуннинг 9-моддасига асосан маъмурӣ орган манфаатдор шахсга маъмурӣ хужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бериши шарт. Маъмурӣ органлар томонидан қарор қабул қилиш жараёнида эса, мазкур қарордан манфаатдор бўлган шахсларнинг иштироки таъминланмаяпти.

Бундан ташқари, Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, вижданан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурӣ хужжатга бўлган ишончи қонун билан кўриқланади.

Маъмурӣ органлар манфаатдор шахсларнинг юзага келган маъмурӣ амалиёт билан боғлиқ қонуний кутилган натижаларини ҳурмат қилиши шарт. Юзага келган маъмурӣ амалиётнинг ўзгартирилиши жамоат манфаатлари билан оқланган бўлиши, умумий хусусиятга эга ва барқарор бўлиши керак.

Мазкур принципга кўп ҳолларда маҳаллий ҳокимлик идоралари вакиллари то-

монидан муқаддам қабул қилинган ҳоким қарорларини бекор қилиш жараёнида амал қилинмаяпти. Ҳоким қарорига ишониб, турли сарф-харажатлар қилган тадбиркорлик субъекти ёки фуқароларнинг манфаатлари қарорларни бекор қилишда инобатга олинмаяпти.

Шунингдек, Қонуннинг 18-моддасига кўра, маъмурӣ орган маъмурӣ ишни тӯғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириши шарт. Лекин, ушбу принцип ҳам амалиётда қўлланилмаяпти.

Жумладан, Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан «АБ» МЧЖга нисбатан Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими киритган маълумотнома юзасидан огоҳлантириш хати 2019 йилнинг 25 июль куни берилганлиги инобатга олинмасдан, 2019 йил 31 июль куни 850-сонли қарор чиқарилган. Бу ўринда ҳокимлик томонидан Ер кодексининг 38-моддаси талабига кўра 1 ой ичida тегишли қарор қабул қилиниши белгиланган бўлса ҳам, орадан 6 кун ўтиб «АБ» МЧЖдан ер майдонини олиб қўйиш тӯғрисида қарор чиқарилган. Ҳокимлик томонидан манфаатдор шахсларнинг ишда иштироки таъминланмасдан, иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмасдан қарор қабул қилинган. Шу сабабли, Фарғона шаҳар ҳокимининг мазкур қарори суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган.

Қонуннинг 47-моддасига мувофиқ, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурӣ иш маъмурӣ орган мажлисида кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурӣ иш маъмурӣ органнинг ташаббуси билан ёки манфаатдор шахснинг илтимосномаси бўйича ҳам мажлисида кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ, маъмурӣ органлар томонидан маъмурӣ хужжатларни қабул қилишда белгиланган тар-

тибда мажлис ўтказилганлик ва баённома расмийлаштирганлик ҳолатлари мавжуд эмас. Бундай тартибда қабул қилинган меъёрий хужжатлар қонун талабларига зид равища қабул қилинган деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Конуннинг 54-моддасига мувофиқ, маъмурий хужжатнинг асослантирувчи қисмида қабул қилинган маъмурий хужжатнинг барча ҳақиқий ва юридик асослари келтирилиши керак.

Маъмурий хужжатни асослантириш чоғида маъмурий орган текширилмаган ёки маъмурий иш юритиш жараёнида маъмурий ишга қўшиб қўйилмаган ёхуд маъмурий иш юритиш иштирокчиларига танишиш имконияти берилмаган далилларга таянишга ҳақли эмас. Агар маъмурий хужжатни қабул қилишда маъмурий органга маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) берилган бўлса, маъмурий хужжатнинг асослантирувчи қисмида у ёки бу маъмурий ихтиёрийликка (дискрецион ваколатга) ёхуд ундан воз кечишига сабаб бўлган барча баҳолар, важлар ва мулоҳазалар баён этилади. Бунда маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий хужжатнинг маъмурий тартиб-таомиллар принципларига мувофиқлигини асослаб бериши керак.

Судларда кўриб чиқилаётган маъмурий хужжатларнинг асосий қисми мазкур модда талабига жавоб бермайди. Яъни, қарорлар асослантирилмасдан, фақатгина кириш ва хулоса қисмларидан иборат тарзда расмийлаштирилмоқда. Қарорларда маъмурий хужжатнинг қабул қилинишига асос бўлган далиллар келтирилмаяпти.

Масалан, маъмурий органнинг 2020 йил 11 мартағи қарорида «Фуқаро М.Ш.нинг қилган мурожаатини кўриб чиқиб, фуқарога шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берилган ва ўзининг фойдаланувида бўлган ер майдонининг 700 кв.метр қисмида фақат бир дона турар-жой биноси қурилиши, қолган умумий фойдаланишдаги ер майдонига футбол, баскетбол, волейбол, тенис

ўйнаш ва гимнастика билан шуғулланиш учун замонавий спорт майдончалари, шунингдек кичик ёшдаги болалар учун ўйин майдончаси қурилиши мақсадга мувофиқ деб топилган» деб кўрсатилган бўлса ҳам, орган томонидан М.Ш.га ер майдони ажратиш тўғрисидаги Кўқон шаҳар ҳокимиининг 2011 йил 7 июлдаги 743-сонли қарори бекор қилинганлиги ва ҳозирда мазкур ер майдони М.Ш.га тегишли эмаслигига эътибор қаратилмаган. Натижада, маъмурий орган қарори суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган.

Шунингдек, Конуннинг 60-моддасига мувофиқ, маъмурий хужжатни манфаатдор шахс фойдасига бекор қилиш мажлис ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий хужжатни манфаатдор шахс манфаатларига зид равища бекор қилиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни мажлисда қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.

Агар маъмурий хужжатни бекор қилиш бир манфаатдор шахс фойдасига, аммо бошқа манфаатдор шахснинг манфаатларига зид равища амалга оширилаётган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади, деб кўрсатилган. Бироқ, маҳаллий ҳокимликлар томонидан, кўп ҳолларда, ер майдонини давлат захирасига олиш тўғрисидаги қарорларни бекор қилишда манфаатдор шахслар иштироқида мажлис ўтказилмаяпти. Қарорнинг бекор қилинганлик ҳолатидан манфаатдор шахслар хабардор эмас.

Конун 19-моддасининг иккинчи қисмida белгиланган қоидага мувофиқ, маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий хужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

**Б. ЮЛДАШЕВ,  
Фарғона туманлараро  
маъмурий суди судьяси**

## ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Инсоният олдидағи долзарб вазифалардан бири атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатта оқилона муносабатда бўлиш, фло́ра ва фауна оламини асраб-авайлаш, глобал экологик инқирозга йўл қўймасликдир. Шу боис, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup>да ҳам экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида шундай таъкидлайди: «Давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири – глобал иқлим ўзгаришиларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда. Эътиборингизни яна бир бор Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига қаратмоқчиман. Оролбўйи ҳудуди экологик фожианинг марказига айланди. Биз мавжуд аҳволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз<sup>2</sup>».

Конституциямизнинг бир неча моддалари инсоннинг яшаş учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Хусусан, унинг 50-моддасида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган.

54-моддасида мулқдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, мулқдан фойдала-

ниш экологик муҳитга заарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги қатъий таъкидланган.

Шунингдек, Конституциянинг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатилган.

Асосий Қонунимизнинг 100-моддасига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларидан бири атроф-муҳитни муҳофаза қилишдир. Ушбу қоида вилоят, туман, шаҳарларда маҳаллий вакиллик ва бошқарув органлари зиммасига табиат ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш вазифасини юклайди.

Мазкур конституциявий норма билан экологик фаолиятнинг қуидаги асосий принциплари ифодаланган:

**биринчидан**, табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланади, яъни юридик маънода улар ҳалқ мулкини ташкил этади ҳамда улар номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонунда белгиланган ваколатлари доирасида иш юритади;

**иккинчидан**, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур. Экология ҳуқуқида оқилона деганда, табиий ресурслардан экологик норматив ва стандартларга қатъий риоя этган ҳолда фойдаланиш тушунилади;

**учинчидан**, табиат объектлари ва ресурслари давлат томонидан қўриқланади. Бу давлат табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишини таъминлашини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқ ва манфаатларига,

шунингдек экологик ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини кафолатлашини англатади.

Бетакрор табиатимиз ва ундаги биохилма-хилликни тўлиқ муҳофаза этиш, уларни қайта тиклаш ва кўпайтириш ишлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда самарали амалга оширилмоқда. Республика мизда 8 та давлат қўриқхонаси (Чотқол, Зомин, Нурота, Ҳисор, Китоб, Сурхон, Зарабшон, Қизилқум), 2 та миллий табиат боғи (Угом-Чотқол миллий табиат боғи, Зомин миллий табиат боғи), 1 та давлат биосфера резервати (Куйи Амударё давлат биосфера резервати), 13 та давлат буюртмахоналари, 7 та давлат табиат ёдгорлиги ва ҳайвонларни кўпайтиришга мўлжалланган 3 та табиий питомник («Жайрон» экомаркази ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларида жойлашган 2 та йўрға-тувалоқ парваришларни питомники) фаолият қўрсатмоқда. Шунингдек, 83 та маҳаллий аҳамиятга эга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мавжуд. Бу ҳудудларда миллий ҳамда халқаро «Қизил китоб»ларга киритилган 181 турдаги ҳайвон, 400 турдаги ўсимлик давлат муҳофазасига олинган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг teng ҳуқуқли субъекти сифатида мамлакат экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатни изчил амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги 15 та халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги 7 та кўп томонлами халқаро шартномага қўшилди. Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича 4 та конвенция ва Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколи, трансчегаравий сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги 2 та конвенция,

БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси ва Киото протоколи ҳамда Париж битими, Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция ва Монреаль протоколи, Чиқиндиларни трансчегаравий ташишни тартибга солувчи Базель конвенцияси, Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенция шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, ушбу соҳага қаратилаётган юксак эътибор самаралари экологик фаровонликни таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси, келажак авлодларнинг мусаффо муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Шунга қарамасдан, бугунги кунда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талаб даражасида эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Н. Йўлдошевнинг таъкидлашича, жойларга чиқиб ўрганишлар шуни кўрсатдики, биргина Тошкент вилоятидаги корхоналардан ҳозирги кунда атмосферага 270 минг тоннага яқин заҳарли моддалар чиқади. Бундан ташқари, қирғоқ зоналари, сув бўйи, дарёбўйи ҳудудларидан ҳокимларимиз қўплаб ерлар ажратиб бергани аниқланган. З мингта субъектга муҳофаза зоналари ва қирғоқбўйи ҳудудлардан ер ажратилган. Ҳозирги кунда биз бунга ўз муносабатимизни билдириб, бу ерларни қайтариб олиш, сувларни, қирғоқларнинг табиий ҳолатини сақлаб қолиш бўйича иш олиб боряпмиз. Яна бир аянчли ҳолат – қирғоқбўйи ёки сув ўзанларидан қум, тош-шағалларни олиб чиқиб кетиш ҳолатлари ҳам кескин авж олган. Бу ҳам табиатга зарар етказиш билан баробар. Бунга ҳам ўз муносабатимизни билдираяпмиз<sup>3</sup>.

Жумладан, Давлат хавфсизлик хизмати Андижон вилояти бошқармаси ходимлари Бош прокуратура хузуридаги иқтисо-

дий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ер сотиш билан боғлиқ бир нечта фирибгарлик ҳолатларига чек қўйди. Хусусан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияси ходими 2 нафар шериги билан ўзаро тил бириктириб, маҳаллий фуқарога фермер хўжалиги ташкил қилиши учун Хўжаобод тумани ҳокимиятидаги мансабдор танишлари орқали 100 гектар ер ажратиб, тегишли хужжатларни тайёрлатиб бериш эвазига ундан 128 минг АҚШ доллари олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Терговолди суриштирув ҳаракатлари давомида мазкур шахслар ўзларининг бу ёрдамлари учун аванс сифатида 7 минг АҚШ доллари олгани аниқланган. Шунингдек, олган пулларининг 70 минг АҚШ долларини Андижон вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасида ишловчи танишига беришлари кераклиги маълум бўлади ва тезкор тадбир давом эттирилиб, у ҳам пул олган вақтида ушланади. Муқаддам Андижон шаҳар ҳокимлигига котибият мудири лавозимида ишлаган, бир неча бор судланган шахс маҳаллий фуқарога мансабдор танишлари орқали вилоят марказидаги Шимолий кичик саноат зонасидан 80 сотих ер майдони олиб бериш ва бу борада шаҳар ҳокимининг тегишли қарорини чиқартириб бериш эвазига 50 минг АҚШ доллари талаб қилиб, олдиндан 20 минг АҚШ доллари олган вақтида ушланди.

Яна бир ҳолатда эса, Улуғнор туманида яшовчи шахс ўзи раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг сабзавотчиликка ихтисослашган ер майдонидан 6 гектарини туман ҳокимлигига ишловчи танишлари орқали маҳаллий фуқаро номига ўтказиб бериш эвазига ундан 18 минг АҚШ доллари талаб қилиб, сўралган пулни 189 млн. сўм эквивалентида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Вилоят марказида фаолият юритувчи МЧЖ ишчиси маҳаллий фуқарога Андижон шаҳар Шимолий кичик саноат зонасидан 4 сотих ер майдонини 7500 АҚШ долларига олиб беришини айтиб, олдиндан 3400 АҚШ доллари олади. Кейинроқ эса, Андижон шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр бўлимида ишловчи танишлари орқали ушбу ер майдони бўйича шаҳар ҳокимининг тегишли қарорини чиқартириб беришини айтиб, қолган 4100 АҚШ долларини олган вақтида ушланади. Ушбу шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган<sup>4</sup>.

Аянчли томони шундаки, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ҳокимлиги томонидан 47 туп дарахт ноқонуний кесиб ташланган. Бу ҳақда Қашқадарё вилояти Экология бошқармаси Ахборот хизмати хабар беради. Маълум қилинишича, Қашқадарё вилояти Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар масалалари бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг 12 апрель куни Қарши шаҳар «Хонтепа» МФЙ Лойиҳачилар кўчасидаги эски озиқ-овқат омбори ҳудудида ҳар хил турдаги кўп йиллик дарахтлар қурилиш ишлари олиб бориш учун таг қисмидан кесиб кетилгани аниқланган.

Ушбу ҳолатга аниқлик киритилганда, кесишилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 марта даги «Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори<sup>5</sup>нинг 1-иловаси бўлган Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишига рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти талабларига зид равишда кесилгани маълум бўлган. Вилоят Экология бошқармаси ижобий хulosаси олинмасдан, Қарши шаҳар ҳокимлиги жорий йилнинг 25 ян-

вардаги 05/01-25-сонли дарахтларни кесиш учун берилган рухсатномаси асосида жами 47 туп ҳар хил турдаги, хусусан, 26 туп виргин арчаси, 8 туп шумтол, 2 туп оддий ўрик, 3 туп чинор, 1 туп қароли, 6 туп оқ тут дарахтлари таг қисмидан, 1 туп қайрағоч дарахти эса илдизи билан қўпориб ташланган. Энг ачинарлиси, бу дарахтлар Республика ҳудудида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесилишига жорий этилган мораторий амал қилиб турилган бир пайтда кесилган, дейилади ҳабарда. Ноқонуний кесиб кетилган дарахтлар учун ўрнатилган тартибида ҳужжатлар расмийлаштирилди. Табиатга, ўсимлик дунёсига етказилган зарап 253 млн. 575 минг сўм деб белгиланиб, ҳужжатлар тегишли органларга тақдим қилинмоқда<sup>6</sup>.

«Ўзсуvtаъминот» АЖ департаменти бошлигининг маълум қилишича, бугунги кунда 3,9 млн. аҳоли ва 89,7 минг юридик истеъмолчилар мавжуд бўлиб, шундан 53 фоиз (2,1 млн.) аҳоли истеъмолчилари сув ҳисоблагичлари билан таъминланган бўлса, юридик истеъмолчиларда ушбу кўрсаткич 94,6 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда республика бўйича қарздорлик 674,1 млрд. сўм, шундан аҳоли 555,8 млрд. сўм ва юридик истеъмолчилар 118,2 млрд. сўмни ташкил этади. Қайд этиш керакки, ўз вақтида сув ҳақини тўлаб келаётганлар ҳам бор. Масалан, электрон тўлов тизимлари (click, paynet, payme, ipay) орқали I чоракда 39,3 млрд. сўм келиб тушди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига (22,8 млрд сўм) нисбатан 72 фоизга ошган. Бугунги кунда 2 444 нафар назоратчи ишга қабул қилиниб, улар 2 368 та (97 фоиз) терминал ва 2 587 та (106 фоиз) термопринтер билан таъминланган. Жорий йил I чорагида пул ундируви 349 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (226 млрд. сўм) нисбатан 122 млрд. сўм ёки 54 фоизга ошди. Ҳудудий корхоналар томонидан

63,5 млрд. сўм қарздорлик фуқаролик ва иқтисодий судларга тақдим қилинган<sup>7</sup>.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Давлат экология қўмитаси ахборот хизмати таъкидига кўра, ҳукумат қарори билан Ўзбекистон ҳудудида атроф-муҳит ифлослантирилгани ва чиқиндилар жойлаштирилгани учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Низомга кўра, компенсация миқдори кўпайтирилган ва имтиёзли турларга бўлинади. Яъни, саноат корхоналарига атмосферага чиқарилаётган чанг ва газларни ушлаб қолувчи ускуналар жойлаштирилган бўлса, тўлов миқдори камайтирилади. Акс ҳолда оширилади.

Олдин белгиланган базавий тарифга асосан, тоғ-металлургия соҳасидаги йирик комбинатлардан бирининг йиллик компенсация тўлови ўртacha 313 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, янги ставкалар бўйича ҳисобланганда бу кўрсаткич 1 млрд. 75 млн. сўмга этиши кутилмоқда. Сув обьектлари, жой рельефи, канализация тармоқларидаги ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун белгиланган компенсацияларнинг базавий ставкалари аввалги кўрсаткичлардан деярли ўзгартиришсиз қолдирилди. Саноат корхоналаридаги чанг-газларни тозалаш ускуналари эскирган. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарида мавжуд ана шундай ускуналарнинг самарадорлиги атиги 86 фоизни ташкил этмоқда. Қонунда самарадорлиги 99 фоиздан кам бўлмаган қурилмалар ўрнатишни таъминлаш белгиланган<sup>8</sup>.

Бироқ, атроф-муҳиттага чиқарилган заарали моддаларнинг компенсацияси миқдори юқори бўлмагани сабабли корхоналарнинг аксарияти экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида замонавий тозалаш ускуналари ўрнатиш ўрнига бундай заараларни тўлашни афзал қўраётган эди. Энди ишлаб чиқарувчилар учун корхонадан чиқаётган чанг ва газларни ушлаб қолувчи

ускуналар ўрнатиш компенсация тўлашдан кўра арzonга тушади ва атроф-муҳит учун ҳам фойдали бўлади». Маълум қилинишича, мазкур Низом талаблари 2021 йил 15 июлдан бошлаб кучга киради. Ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар бажарилса, 2030 йилгача атмосферага зарарли моддалар чиқарилиши 10 фоизга камайишига эришилади.

Аянчли томони шундаки, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ўтган йили 37 543 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. Давлат экология қўмитаси ахборот хизмати хабарига кўра, ҳуқуқбузарларга нисбатан белгиланган жарима 16 млрд. 800 млн. сўмни ташкил этди. Табиатга етказилган зарар – 15 млрд. 133 млн. сўм. 1457 та ҳолат бўйича 11 млрд. 788 млн. сўм жарима ва табиатга етказилган зарарни ундириш мақсадида тўпланган ҳужжатлар тегишли органларга киритилди. 60 мингдан ортиқ корхона ва фуқароларга соҳага оид профилактика тадбирлари ўтказилди. 22 та ҳолат бўйича 8 млрд. 810 млн. сўмлик давво ишлари юзасидан қонунбузарлик содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича иш қўзғатилган.

Ҳуқуқбузарлардан 337 дона ҳайвон ва парранда, 1380,4 кг балиқ, 49 009 кг доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликлар, 884,7 куб метр ўтин, 91 та ов қуроллари, 95 та аслаҳа, 1290 та тўр, 46 та электр қармок, 141 та электр арра, болта ва бошқа инвентарлар олиб қўйилган, шундан 70 та ов қуроли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилган, 34 та ов қуроли ва аслаҳалар, 23 та инвентар мусодара қилинган, 17 та ов қуроли қайтариб берилган<sup>9</sup>.

Эндилиқда Ҳукуматнинг жаҳон андозасига мос бўлган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида назоратнинг замонавий механизmlарини жорий этишга оид қарори лойиҳаси<sup>10</sup> муҳокамага қўйилди. Лойиҳада Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Бош прокуратура билан биргаликда

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик назорат соҳасида жисмоний шахсларнинг иштирокига доир «Эконазорат» ахборотлаштириш тизими ишлаб чиқилгани маълумот ўрнида келтириб ўтилган.

Мазкур ахборот тизими 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида эксперимент тариқасида жорий этилади. Давлат экология қўмитаси ахборот тизимининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича масъул орган ҳисобланади. Ахборот тизимидағи мобил илова ва Telegram-бот қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

давлат экологик назорати обьектлари, шу жумладан, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси обьектлари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда чиқиндиilar билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳаси устидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш;

жисмоний шахслар томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар (фото ва видео материаллар)-ни Давлат экология қўмитасига манзил (локация) белгилар бўйича юбориш;

ҳуқуқбузарлар ҳақида хабар берган жисмоний шахсларга пул мукофотларини тўлаш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарларлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ушбу соҳадаги бошқа статистик маълумотлар базаси билан танишиш;

содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарларлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳужжатлари (баённома ва қарорлар)-ни электрон шаклда тузиш орқали ушбу ҳуқуқбузарларлар ҳақидаги маълумотларни Ички ишлар вазирлигининг ягона маълумотлар базасига киритиши;

2021 йил декабрь ойидан бошлаб ҳайвонот ва ўсимлик дунёси обьектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашуви бўйича давлат кадастри ва

уларнинг мониторинги тўғрисида маълумотлардан очик фойдаланиш;

онлайн мониторинг олиб бориш, шунингдек экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан аввал берилган мажбурий кўрсатмалар ва талабномалар бўйича амалга оширилган бошқа зарур чора-тадбирлардан хабардор бўлиш;

худудлар ва туманлар кесимида аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида геоахборот маълумотларини жорий этиш ҳамда юритиш.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар юборилган фото ва видеоматериаллар бўйича ҳуқуқбузарликни содир этган фуқароларнинг шахсини аниқлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш бўйича зарур чораларни кўради. Давлат экология қўмитаси Давлат солик қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган жисмоний шахсларга тўланадиган пул мукофотларидан даромад солишини тўлашдан озод қилиш бўйича механизмни ишлаб чиқади.

Давлат экология қўмитаси ва унинг таркибий бўлинмаларига фуқаро авиациясининг учувчисиз курилмаларини, шунингдек уларнинг бутловчи қисмларини олиб кириш, сотиб олиш, сақлаш ҳамда ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланишга рухсат берилади. Давлат экология қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги ҳамкорлигида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиши тартиби ишлаб чиқилади ва рўйхатдан ўтказилади. Бош прокуратура билан биргаликда ўтказилган эксперимент якунлари бўйича илованинг функционал қисмига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти кўриб чиқилади ҳамда унинг 2021 йил 1 сентябр-

дан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида узлуксиз равища ишлаши таъминланади<sup>11</sup>.

Юқоридаги амалиёт материаллари таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор муаммолар бор. Уларни ҳал қилишда қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

судлар табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда қонуннинг алоҳида талабларига оғишмай риоя этишлари керак. Кўп микдордаги қимматбаҳо ёки ноёб ҳайвонлар, парранда ва балиқларни қириб ташлаш, ўрмонларга шикаст етказиш ёки уларни йўқ қилиш, қишлоқ хўжалиги мулкларини ишдан чиқариш ва ҳоказо йўллар билан давлатга катта зарап етказган шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўлланилмоғи зарур;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимларининг, бу хизмат жамоатчи назоратчиларининг, шунингдек ўғринча ов қилиш ва қонун билан қўриклинидиган табиат объектларига бошқача тажовуз қилувчиларнинг ҳаракатларига барҳам бериш юзасидан ўзининг жамоатчилик бурчини бажараётган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилган шахслар қаттиқ жазога тортилмоқлари шарт;

девлат экология қўмитаси ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ўзлари хизмат мавқеидан фойдаланиб табиат объектларига жиноий тажовузлар содир этган тақдирда, судлар уларни муайян лавозимни эгаллаш ёки тегишли фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишлари лозим;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд жараёнларининг таъсирини кучайтириш мақсадида судлар ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликларни аниқлашлари ва бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга

қаратилган хусусий ажримлар чиқаришлари фойдалидир;

давлатга кўп миқдорда зарар етказганик, қимматбаҳо ёки ноёб ҳайвонларни қириб ташлаганлик тўғрисидаги, шунингдек портловчи моддалар, кимёвий воситалар ва ҳоказоларни қўллаб, гурӯҳ бўлиб содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд процесслари тафсилотларини кенг оммага етказиши керак;

барча экологик дастурларда иқтисодий

лойиҳаларнинг экологик экспертизасини кучайтириш, унинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, бу ишга ННТ, илмий жамоатчилик, депутатлик корпусини кенг жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

**Ж. ХОЛМЎМИНОВ,**  
Термиз давлат университети  
юридик факультети декани,  
юридик фанлар доктори,  
профессор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси <http://strateg.egy.regulation.gov.uz/uz/document/2>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. //<https://review.uz/oz/post/ozbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-birlashgan-millatlar-tashkiloti-bosh-assambleyasingning-75-sessiyasidagi-nutqi.3.09.2020>.

<sup>3</sup> Йўлдошев Н.Т. З мингта субъектга муҳофаза зоналари ва қирғоқбўйи худудлардан ер ажратилган. Бош прокурор бу ерлар қайтариб олинишини айтди.// <https://kun.uz/news/2021/04/24/3-mingta-subyektga-muhofaza-zonalari-va-qirgoqboyi-hududlardan-yer-ajratilgan-bosh-prokuror-bu-yerlar-qaytarib-olinishini-aytdi>.

<sup>4</sup> ДХХ матбуот хизмати. Андижонда 100 гектар ер ажратиб бериш эвазига 128 минг доллар олган мансабдор шахслар қўлга олинди.// <https://kun.uz/news/2021/04/16/andijonda-100-gektar-yer-ajratib-berish-evaziga-128-ming-dollar-olgan-mansabdar-shaxslar-qolga-olindi>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартағи «Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.04.2018 й., 09/18/255/1034-сон.

<sup>6</sup> Нозимжонов У. «Чўллаштириш сиёсати»: Қарши шаҳар ҳокимлиги 47 туп дарахтни кесиб ташлади. //<https://qalampir.uz/news/chullashtirish-siyesati-k-arshi-sha%D2%B3ar%D2%B3 okimligi -47-tup-darakhtni-kesib-tashladi-36943>.

<sup>7</sup> Зайниддинов З. Республика бўйича ичимлик суви учун қарздорлик 674 млрд. сўмдан ортди.// <https://kun.uz/news/2021/05/21/respublika-boyicha-ichimlik-suvি-uchun-qarzdorlik-674-mldr-somdan-ortdi>.

<sup>8</sup> Ражабов О. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи тоғ-металлургия комбинатлари қарийб 1 млрд. сўм компенсация тўлайди. <https://kun.uz/news/2021/04/20/atrof-muhitni-ifloslantiruvchi-toғ-metallurgiya-kombinatlari -qariyb-1 -mlrd-som-kompensatsiya-tolaydi>.

<sup>9</sup><https://www.kun.uz/news/2020/10/09/ekologiya-va-atrof-muhitni-muhofaza-qilish-sohasida-37-543ta-qonunbuzarlik-holatlari-aniqlandi>.

<sup>10</sup> «Эконазорат» иловаси ва Telegram-боти ишга тушади: хабар бериб пул олишингиз мумкин! <https://www.terabayt.uz/post/ekonazorat-ilovasi-va-telegram-bot-iishga-tushadi-xabar-berib-pul-olishingiz-mumkin>.

<sup>11</sup> Энди экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берганларга ҳам пул тўланади. <https://xs.uz/uzkr/post/endi-ekologiya-va-atrof-muhit-muhofazasiga-oid-huquqbuzarliklar-haqida-khabar-berganlarga-ham-pul-tolanadi>.

## ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ДАВЛАТ БОЖИ УНДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Маълумки, 2020 йил 19 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги 36-сонли қарори қабул қилинди.

Бироқ, қарорда иқтисодий судларда давлат божини ундириш билан боғлиқ амалиётдан келиб чиқаётган айrim масалалар юзасидан тегишли тушунтиришлар мавжуд эмас. Шу боис, улар бўйича айrim фикр-мулоҳазаларни баён этиш ўринлидир.

Жумладан, иқтисодий судлар томонидан давлат божини ҳисоблашда шуни назарда тутиш лозимки, тўланиши керак бўлган давлат божи миқдори аризачи талабининг турига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича аниқланиши зарур.

Бир нечта мустакил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб бўйича, ушбу талаб учун белгиланган тегишли ставкалар асосида тўланиши (ундирилиши) лозим.

Фикримизча, пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича даъвонинг баҳоси талаб қилинаётган суммадан келиб чиқсан ҳолда аниқланиши, мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъволар бўйича эса, (масалан, мулкка эгалик ҳуқуқи тўғрисида, мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни тан олиш тўғрисида, умумий мулқдан улушни ажратиш тўғрисида) давлат божи ушбу мулк ёки унинг улуши баҳосидан келиб чиқсан ҳолда тўланиши керак.

Шартномаларни тузишдан олдин келиб чиқсан низолар шартномаларни ўз-

гартириш ва бекор қилиш тўғрисида, шартномани (битимни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек бинони бўшатиш (кўчириш), мажбурият юклаш, ерни ноқонуний эгаликдан талаб қилиб олиб бериш, ноқонуний қурилган бино-иншоотларни бузиш ҳақидаги ҳамда айrim турдаги корпоратив низолар тўғрисидаги (иштирокчини мажбурий тартибда чиқариш каби) даъволар баҳоланмаслиги ҳамда бундай даъволар бўйича давлат божи номулкий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган миқдорларда тўланиши мақсадга мувофиқдир.

Амалиётда мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича даъво баҳоси мол-мулкнинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланиши лозим. Талаб қилиб олинаётган мол-мулкнинг баҳоси тўғрисидаги маълумотлар тахминий характерга эга бўлиши мумкинлиги сабабли, суднинг талаб қилинаётган мол-мулк баҳосининг камайтириб кўрсатилганлиги давлат божи кам миқдорда тўланган деган важ билан даъво аризасини қайтариш учун асос бўлмаслиги, иқтисодий суд талаб қилинаётган мол-мулкнинг баҳоси камайтирилган деб топган ҳолларда ва ишни кўриш давомида мол-мулкнинг ҳақиқий баҳосини аниқланганда, давлат божининг етишмаётган қисми ишни кўриш натижалари бўйича ундирилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Мулкий хусусиятдаги даъво аризалари (аризалар) билан мурожаат қилинганда давлат божи миқдори ундириладиган суммадан келиб чиқиб аниқланиши, номулкий хусусиятда-

ги даъво аризаларидан (аризалардан), банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризалардан, шартномани тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан келиб чиқадиган низо бўйича эса давлат божи базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқсан ҳолда тўланиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда бир нечта мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан ҳар бир талаб бўйича алоҳида давлат божи миқдорини ҳисоблашда хатоликка йўл қўйилмоқда.

Мисол учун, даъво талабида «А» МЧЖ ва «Б» МЧЖ ўртасида 2020 йил 1 сентябрда 10 млн. сўмга тузилган 1-сонли ва 2020 йил 1 октябрда 20 млн. сўмга тузилган 2-сонли шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда ушбу шартномаларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш сўралган. Жуда кўп ҳолатларда шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш ҳақидаги талаб учун давлат божи ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш сўралаётган шартнома суммасидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланиб тўланиши лозимлиги даъвогарларнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Ушбу ҳолатда иккита шартномани ҳақиқий эмас деб топиш талаби баҳолан-майдиган талаб ҳисобланиши сабабли ҳар бир шартнома учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 10 баравари миқдорида, жами БХМнинг 20 баравари миқдорида, шунингдек даъво талабининг иккита шартноманинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини кўллаш ҳақидаги

қисми юзасидан ушбу иккита шартномаларни умумий суммасидан, яъни 30 млн. (10 млн. + 20 млн.) сўмнинг 2 фоизи миқдорида 600 000 сўм миқдорида давлат божи тўланиши лозим. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, шартномаларни ҳақиқий эмаслик оқибатларини кўллаш талаби бўйича давлат божи суммаси шартномага асосан қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк ёки шартнома бўйича қайтарилиши лозим бўлган пул суммасининг 2 фоизи миқдорида ҳисобланиши (тўланиши) керак.

Фикримизча, иқтисодий судга мурожаат этилгандан кейин жавобгар томонидан даъвогарнинг талаби ихтиёрий қаноатлантирилганда давлат божи жавобгарга юклиниши, бунда давлат божи агар даъво талабининг бартараф этилиши даъво аризаси судга юборилган (почта алоқа бўлимига топширилган) кунга қадар амалга оширилган бўлса, давлат божи жавобгардан ундирилмаслиги лозим.

Давлат божини ундиришда судлар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни, ушбу Қонунга илова қилинган «Давлат божи ставкалари», Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган талаблар ҳамда имтиёзларга асосланиши лозим.

**С. РАХМОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди судьяси**

### ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат иштироқидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 350-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 24 июндаги PC-40-21-сонли қарорига асосан O’zbekiston Respublikasi Oliy sudi «Odil sudlov–Pravosudiye» davlat unitar korxonasi O’zbekiston Respublikasi Oliy sudi «Odil sudlov–Pravosudiye» davlat muassasasi деб қайта рўйхатдан ўтказилди.

## ҲАЗРАТ УМАР ИБН ҲАТТОБ АДОЛАТИ

*Мен учун энг маҳбуб инсон адолатга зид иши тақлиф қилинганида, манфаатли бўлишга қарамасдан, рад эта олган инсондир.*

### Умар ибн Ҳаттоб

Халифа Ҳазрат Умар ибн Ҳаттоб адолатини улкан уммонга менгзаш мумкин. У яшаб ўтган давр билан одамзод яшаётган бугунги кун оралиғидаги масофа анчайин олис – 14 аср бўлишига қарамасдан башарият бу уммондан ҳали-ҳануз ўз чанқоғини қондиришда давом этмоқда.

Халифа Абу Бакрдан кейин 52 ёшида мўминлар Амири этиб сайланган Умар ибн Ҳаттоб (р.а.) Фил йили<sup>1</sup>дан ўн уч йил ўтиб таваллуд топган. У 10 йилу 6 ой 4 кун амир бўлиб, 62 ёшида вафот этган. Фил йилининг келиб чиқиш тарихига оид манбаларда қайд этилишича, Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) хижрий йил учинчи ойининг тўқизинчи санаси душанба куни таваллуд топганликлари ва бу ҳодиса милодий 571 йил тўртингчи ойининг йигирма биринчи кунига, яъни «фил воқеаси»нинг биринчи йилига тўғри келиши аниқланган<sup>2</sup>.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Умар ибн Ҳаттобнинг фитратига юксак баҳо бериб, унга: «Сен Форуксан, яъни Аллоҳ сен орқали ҳақ билан ботилнинг орасини ажратади», дея марҳамат қилганлар. Яна у зот ҳақларида: «Аллоҳ таоло ҳақиқат ва рост гапни Умарнинг тилига ёпиштириб қўйган», «Умар бир йўлдан юрса, шайтон бошқа йўлдан юради»<sup>3</sup> деганлар. Амирилик фаолияти давомида мўмин-мусулмонлар томонидан «Ҳақ ва адолат қуёши»<sup>4</sup> дея эътироф этилган халифа ҳам айнан Умар ибн Ҳаттоб бўлган.

Ушбу мақолада Умар ибн Ҳаттоб адолатининг бугунги судьялар хаёти ва фаолияти би-

лан бевосита боғлиқ айрим жиҳатлари мухтасар баён қилинади. Чунки, бу адолатнинг батафсил баёни бир неча ўнлаб китобларнинг саҳифаларига ҳам сифаслиги аниқ.

Ривоят қилишларича, Ҳазрат Умар билан Ҳазрат Убай ибн Каъб орасида келишмовчилик рўй берган. Ҳазрат Умар:

Бу масалани ҳал этиш учун бир кишини ҳакам қиласайлик, деб, Ҳазрат Зайд ибн Собитни танлашади. Даъво қилиб, унинг ёнига боришида. Ҳазрат Умар:

– Орамизда ҳукм бериш учун сенинг ёнингга келдик, - дейди.

Ўша замонларда, даъво суди учун ҳакамнинг уйига борилган. Икки тараф Зайднинг ёнига киришганда Зайд ўтирган кўрпачасининг бош тарафидан жой бўшатиб:

– Эй мўминлар Амири, мана бу ерга ўтири, - дейди.

Ҳазрат Умар:

– Бу ноҳақликдир! Мен рақибимнинг ёнида ўтираман, - дейди ва ҳар иккиси Зайднинг қаршисида ўтиришади.

Ҳазрат Убай ибн Каъб даъвосини айтади. Ҳазрат Умар эса инкор этади. Исломга кўра инкор қилган қасам ичарди. Зайд:

– Мўминларнинг Амирини қасамдан озод қиласайлик, - деса ҳам Ҳазрат Умар қасам ичади ва шундай дейди: «Зайднинг олдида, Умар билан ҳар қайси мусулмон тенг бўлмагунча Зайд ҳеч кимнинг даъвосини ҳал кила олмайди»<sup>5</sup>.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, Миср ҳалқидан бир ёш йигит Ҳазрат Умарнинг хузурига келади ва:

– Эй, мўминларнинг Амири, мен зулмдан шикоят қилиб ёнингга келдим, - дейди.

Ҳазрат Умар:

– Сен адолат қарор топадиган жойга келдинг, - дейди.

Ёш йигит:

– Амр ибн Оснинг ўғли билан мусобақада мен уни енгдим. Амр ибн Оснинг ўғли: «Мен аслзода ота-онанинг аслзода ўғлиман!», деб мени урди, - дея арз қилади.

Ҳазрат Умар Амр ибн Осга ўғлини ёнига олиб, дарров Мадинага келишини буюриб, мактуб жўнатади. Амр ўғли билан етиб келади. Ҳазрат Умар Мисрлик йигитга:

– Сен ҳам уни ур, - дейди.

Йигит Амрнинг ўғлини уради. Кейин Ҳазрат Умар Амрга қараб:

– Оналаридан ҳур ҳолда туғилган инсонларни нақадар тез қуллаштирибсиз, - дея танбех беради. Амр ибн Ос (р.а.):

– Эй, мўминлар Амири! Вазиятдан хабарим йўқ эди<sup>6</sup>, - дейди.

Ҳазрат Умар худудлардаги вазиятни доимо назоратда ушлаб туриш ва одамларнинг кайфиятини билиш мақсадида ҳузурига келган одамлардан: «Бошлиғингиз касалларни зиёрат қиласидими, хизматчиларнинг таклифини рад этмайдими? Сизга нисбатан муносабати қандай? Эшиги олдида одамлар кутиб қолмайдими?»<sup>7</sup> деб, сўраб-суринширип экан. Талабга жавоб бермаган бошлиқларни дарҳол вазифасидан озод қиларкан.

Айтиш жоизки, яшаш учун мол-мулк, турар-жой, кийим-кечак, озиқ-овқат таъминоти ва тақсимоти борасида ҳам Ҳазрат Умар адолатнинг ёрқин намунаси бўлган. Унинг ва оиласининг оддий ҳалқдан афзаллиги ёки устунлик жиҳатлари бўлмаган. Ҳалқ оч бўлса, унинг оиласи ҳам оч бўлган. Ҳалқнинг кийишга кийими бўлмаса, бу етишмовчилик унинг оиласида ҳам сезилган. Ўзини мусулмонлардан юқори қўйиб, ёки уларнинг ҳисобидан умргузаронлик қилишга виждони йўл қўймаган. Унинг учун тақво, тавозеъ, Аллоҳ адолатидан қўрқиши бирламчи мезон ҳисобланган.

Тарихий китобларда Ҳазрат Умар замонида бир минг тўрт юз шаҳар фатҳ этилгани келтирилади. Эроннинг бутун хазиналари ва ғанимат моллари сув каби Мадинаи мунавварага оқарди, дейилади. Аммо, Халифа Ҳазрат Умарнинг байрамда ўғлига либос олиб бериш учун пули бўлмаган. Бир куни

Ҳазрат Умарнинг ўғли отасига:

– Отажон, уст-бошим жуда тўзиб кетди. Дўйстларим устимдан қулишяпти. Байрамга кийим олиб беринг, - дейди.

Халифа Умар:

– Бўлмайди, ўғлим, янги кийим олгани пулнимиз йўқ, - дея жавоб беради.

Ўғил:

– Отажон, келаётган ойнинг маоши устидан пул олиб туринг. Ўша пулга янги кийим оламиз, - деб айтади.

Халифа Байтул молнинг хазинабонига бир мактуб ёзади. Унда «Келажак ойнинг маошидан бир оз пул бериб тур, ўғлимга байрамлик либос олиб бермоқчиман» дейди ва мактубни ўғлидан бериб юборади. Ўғил мактубни молия нозирига олиб боради. Нозир мактубни ўқиб, сўнг Халифанинг ўғлига:

– Бўлмайди, бермайман, - дейди.

Ўғил:

– Нега бермайсиз. Бу мактубга ишонмайсизми? - дейди.

Хазинабон:

– Биламан, мактуб Халифадан. Аммо, бир камчилиги бор. Халифа янаги ойга қадар яшаши ҳақида бир васиқа бермабди, - деб айтади.

Халифанинг ўғли бу сўзларни эшитиб, югуриб отаси олдига келади.

Халифа ўғлидан сўрайди:

– Ўғлим, нима бўлди, пулни олдингми?

– Йўқ, отажон, олмадим, олишни хоҳламайман. Сиз шу қадар ҳалол миллатнинг Халифаси бўлганингизга қанчалар ифтихор қилсангиз арзиди. Сиз билан фахрланаман, отажон, - дея жавоб беради ўғил.

Шунда Ҳазрат Умар:

– Хазинабон мени билади. Агар пул берганида, дунёга келганига пушаймон қилдирардим, - деган экан.

Ёки бир куни отасининг хонадонига зиёрат қилгани келган Ҳазрат Умарнинг қизи Ҳафса отасига:

– Отажон, ҳирқангизда ўн иккита ямок санадим. Бу эски кийимни бирор фақирга бериб, янгисини олиб кийсангиз бўлмайдими? Ахир, Сиз Халифасиз, ҳузурингизга турли меҳмонлар келишади, - дейди.

Ҳазрат Умар:

– Эй, менинг севикли қизим! Сен Расули Акрам (с.а.в.)нинг оиласи бўлишга мушарраф бўлдинг. Унга биздан анча яқин эдинг. Расули Акрамнинг ўткинчи дунёга қанчалик қиймат берганини, бу фоний дунёни қай даражада хор-ҳақиқр кўрганлигини биласан. Расулуллоҳ вафотига яқин кунларда менга: «Ё Умар! Маҳшар куни мен ва Абу Бакр билан бўлишни истасанг, йўлимиздан айрилма!», деб буюрганини тушунасанми? Охиратда Яратганга хисоб бериш кераклиги учун ушбу ямоқли кийимни кийганим маъқул<sup>8</sup>, - деб жавоб беради.

Дарҳақиқат, ривоятга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Тушимда мен тарозининг бир палласига, умматим эса иккинчи палласига қўйилди. Мен оғир келдим. Сўнгра Абу Бакр бир паллага, уммат иккинчи паллага қўйилди. Абу Бакр оғир келди. Кейин Умар бир паллага ва уммат иккинчи паллага қўйилганди, Умар оғир келди<sup>9</sup>» дея марҳамат қиласидар.

Ҳазрат Умар амир этиб сайланган дастлабки кунларданоқ мамлакат ҳудудларида адолат ўрнатишга, қонуннинг барча учун тенглиги ва жазонинг муқаррарлигини таъминлашга эришади.

У «Масжидун-набавия»да амир сифатида илк бор қилган маъруzasida: «Халифаликка яқин юрганингиз биздан паноҳ сўрашингизга мажбур қилмасин. Чунки, мен ҳеч ким билан бундай нарсага келишмаганман. Ҳақсизликка йўл қўйган ёки мусулмонларнинг қонларига, жонларига тажовуз қилган инсон ҳузуримга олиб келинганда, гарчи у менинг яқиним бўлса-да, устидан шаръий ҳукм чиқараман<sup>10</sup>», дейди. Дарвоқе, у фармон чиқарса ёки бирон нарсани тақиқласа, аввал масжидда эълон қилган. Кейин оила аъзолари ва қариндошларини бир жойга тўплаб: «Одамларга мана бу ва мана буларни тақиқладим. Йиртқич күш ўлжасига қандай қараса, одамлар ҳам сизга шундай дикқат ва эътиборда бўлишини яхши биласиз. Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, agar сизлар шу тақиқни бузсаларинг, бошқаларга берадиган жазони икки баро-

бар қилиб тайинлайман ва шуни амалга ошираман. Шунинг учун ақлу ҳушингизни тўплаб олинглар»<sup>11</sup>, дер эканлар.

Бир кун Ҳазрат Умар даврада:

– Ўғлим Абдураҳмондан ичкилик ҳиди келяпти. Ўзидан сўраб-сурештирай, ростдан ичаётган бўлса, жазосини олади, - дейди.

Бу гапларни эшитган Сайд ибн Язидни ҳаяжон босади. Шу пайтгача бир неча бор адолатнинг юксак даражасини кўрсатган инсон бу сафар қандай йўл тутаркин? Чунки, Ҳазрат Умар ўз ўғли ҳақида гапираётган эди... Абдураҳмон отаси ҳузурига келтирилади ва Ҳазрат Умар унга жазо тайинлайди.

Абдураҳмон амирнинг ўғли бўлса-да, жазодан қутулиб қололмайди, у барчага teng ва муқаррар бўлган жазога тортилади. Боз устига жазони отанинг ўзи шахсан тайинлайди. Савол пайдо бўлади, ўғилнинг ичимлик ичаётгани маълум бўлганида, уни «бости-бости» қилиб юборса бўлмасмиди? Ёхуд ота хабар етказганларга: «Сизларга озгина одобдан дарс бермоқ лозимга ўхшайди. Халифанинг ўғли ҳақида бундай дейишга қандай ҳадларинг сиғди?» дейиши мумкин эди-ку!<sup>12</sup> Йўқ, бўлмасди, ҳеч нарса деёлмасди ҳам. Акс ҳолда у ўзи ўрнатган, эътиқод қўйган ва бутун ҳалқни ишонтирган Адолатга путур етарди.

Шу ўринда, юқоридаги воқеага ўхшаш ҳолат, яъни мунтазам шароб ичиб, маст бўлиб юрган Умайя ибн Халафнинг ўғли Рабиага Умар ибн Ҳаттоб томонидан тайинланган жазо турига судъяларнинг эътиборини қаратмоқчимиз.

Рабиага белгиланган ҳад урилгач, ҳазрат Умар унга юзланиб:

– Сени жазо сифатида сургун қиламиш. Бир йил давомида Ҳайбарда яшайсан, - дейди.

Рабиа товушини чиқармайди. У тадоригини кўриб, Мадинани тарк этади. Орадан бир оз муддат ўтгач, ҳазрат Умар у ёқдан келган хабардан қаттиқ хафа бўлади. Рабиа Ҳайбарда қолмасдан, Румга кетиб, ўша ерда насронийликни қабул қиласиди. Ҳазрат Умар уни сургун қилганидан афсусланади. Бу воқеа жазо беришда чегарадан чиқилганини, гарчи ислоҳ қилиш

мақсадида бўлса-да, жазо тайинлашда меъёрдан чиқилса, у фойда эмас, фақат зарар келтиришини кўрсатади. Зотан, ҳазрат Умарнинг мақсади уни уриш ё сургун қилиш эмас, тартибга чақириб қўйиш бўлган<sup>13</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Умар ибн Ҳаттоб инсоният тарихида ilk бор қамоқхона барпо этиб, уни «жазо ва тавфиқ уйи»<sup>14</sup>га айлантирган, шунингдек қозиларга пора олишга муҳтож бўлмайдиган даражада маош тайинланган<sup>15</sup>.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, башарий тарихида «Адолат қуёши», дея эътироф этилган ва ўн тўрт асрдирки, курраи заминда адолат истовчи барча халкларга куч-кудрат манбаи бўлиб келаётган Умар ибн Ҳаттоб ҳаёти ва фаолиятини юртимизда тадқиқот, тарғибот ва ташвиқот этиш эҳтиёжи аллақачон вужудга келган.

Бугун Умар ибн Ҳаттоб адолати ва унинг маънавиятига бағишлиб яратилган тарихий адабиётларни ўрганиш адолатли жамият-

да яшашни мақсад қилган ҳар бир фукаро, мансабдор шахс, айниқса, фаолияти бевосита адолатга дахлдор бўлган судья учун жуда муҳимdir.

Хусусан, Судьялар олий мактабининг судьялар, суд ходимлари ва судьяликка номзодлар учун мўлжалланган ўқув дастурлари юкламасига; магистратура босқичини тугатиш олди диплом иши мавзулари рўйхатига; касб этикаси бўйича худудларда ўтказилаётган ўқув курслари режасига «Умар ибн Ҳаттоб адолати» алоҳида мавзу қилиб киритилса, таклиф этилаётган эзгу ишларни амалга ошириш йўлида яна бир қадам қўйилган бўларди.

**И. МАМАНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судьялар олий кенгаши хузуридаги**  
**Судьялар олий мактаби докторанти,**  
**юридик фанлар номзоди**

<sup>1</sup> Маккада юз берган машҳур Фил воқеасини араблар тарих боши қилиб олишган. Куръоннинг «Фил» сурасида ҳам бу воқеа зикр этилган. Унда айтилишича, Яманга ҳукмронлик қилган ҳабаш подшоларидан бири Маккага хужум қилиб, Каъбани бузмоқчи бўлади. У баҳайбат бир филни олиб келади. Аллоҳ таоло тумшуғида тош тишлаган қушларни юбориб, ғанимларни ер билан яксон қиласи ва Каъба сақлаб қолинади. Мухаммад Ҳузарий. Нур-ул яқин. – Тошкент: Чўлпон, Камалак. 1992 йил. 7-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 7-бет.

<sup>3</sup> Аҳмад Лутфий Қозончи. Ҳазрат Умар ибн Ҳаттоб (розияллоҳу анху). «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент – 2020 йил. 208-бет.

<sup>4</sup> Юсуф Товаслий. Ҳикматлар хазинаси. 1-китоб. О.Урфон. – Тошкент.: «Adabiyot uchqunlari» нашриёти. 2015 йил. 461-бет.

<sup>5</sup> Юсуф Товаслий. Ҳикматлар хазинаси. 1-китоб. О.Урфон. – Тошкент.: «Adabiyot uchqunlari» нашриёти. 2015 йил. 205-206-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 207-208-бетлар.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 204-бет.

<sup>8</sup> Ўша жойда. 57-58-бетлар.

<sup>9</sup> «Ҳидоят» журнали.

<sup>10</sup> Аҳмад Лутфий Қозончи. Ҳазрат Умар ибн Ҳаттоб (розияллоҳу анху). «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент – 2020 йил. 48-бет.

<sup>11</sup> Ўша жойда. 418-бет.

<sup>12</sup> Ўша жойда. 66-бет.

<sup>13</sup> Ўша жойда. 194-бет.

<sup>14</sup> Ўша жойда. 220-бет.

<sup>15</sup> Ўша жойда. 219-бет.

## ЎГРИ ЎЗ ҚИЗИ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Ҳар қандай ота-она ўз фарзандига яхши тарбия беради. Ҳалол билан ҳаромни фарқлашни ўргатади. Аммо, Мухтарам (исм-шарифлар ўзгартирилган) онасининг ўйтларини унуди. Уларнинг юзига оёқ қўйди...

Мухтарам эрталаб уйидан чикиб, Оқдарё туманида жойлашган 38-мактабга ота-оналар иғилишига борди. Йиғилишдан чикиб, ўзининг ота-онасини кўриб келиш мақсадида уларнинг уйига ўтди. У ота-онасининг уйида улар билан гаплашиб ўтиреди.

Шундан сўнг онаси билан отаси невараларини олиб, бошқа туманга – келинлари Умсионинг ота-онасининг уйига меҳмондорчиликка боришларини айтишди.

Ота-онаси «юр, меҳмон бўлиб келасан», дея уни ҳам боришга ундашди.

Аммо, Мухтарам уларга «бормайман» дея ўз уйига қайтишини маъқул кўрди.

Отаси Мухтарамни ва унинг мактабдаги икки нафар фарзандларини ўзининг машинасига ўтқизиб, уйига ташлаб қўйди.

У уйда ўз ишлари билан овора бўлди. Шу пайт турмуш ўртоғи Жамолнинг қарзларини ўйлавериб, унга онасининг уйидан пул ўғирлаб олиб бериш фикри пайдо бўлди. Пиёда ота-онасининг уйига борди. Бу пайтда улар бошқа туманда меҳмондорчиликда эди. Мухтарам ота-онасининг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, дарвозани аста очиб, уй ичига кирди.

Ота-онаси ўтирадиган хонага кириб, шкаф ичидаги яшил рангли сейфни кўтариб, ҳовлига олиб чиқди. Дарвозани ёпиб, темир сейфни дарвоза олдига қўйди. Ўзи кўчадан такси олиб келиш учун кетаётган вақтида йўлда бир сариқ рангли машина келиб қолди.

У дарҳол машинани тўхтатиб, ҳайдовчига борадиган манзилини тушунтириди. Ҳайдовчи борадиган пулидан рози бўлгач, машинага ўтиреди. Ота-онасининг уйи ёнидан темир сейфни олиб машина юхонасига ортди.

Жамол кўшниси Учкуннинг уйидан ўртоқлари билан биргаликда балиқ пишириб ўтиришганди. Тўсатдан хотини уни чакириб қолди. У жўраларига «Хозир қайтаман», дея ўрнидан турди.

Уйига чиққанида дарвозаси олдида сариқ рангли такси турганлигини кўрди. Турмуш ўртоғи унга машинанинг юхонасида турган яшил рангли сейфни туширишни ва уйга киритишини айтди.

У ажабланганича машинани юхонасидан сейфни олиб, ҳовлига киритди.

Мухтарам ҳайдовчига келишилган 20 000 сўм пулни берди.

– Бу нима? Қаердан олдинг? – дея Жамол темир сейфни турмуш ўртоғига кўрсатиб сўради.

– Темир сейфни уйга киритинг! – деди унга Мухтарам, – Бегоналарнинг кўзи тушмасин!

Турмуш ўртоғи Мухтарамдан сейфни яна қаердан олганини сўради.

– Онамнинг сейфини ўғирлаб, олиб келдим. Сейфни очиб беринг, ичида пулларни оламиз! – деди Мухтарам.

– Нимага бу ишни қилдинг? Нимага онангнинг уйида ўғирлик қилдинг? – дея хуноб бўлди Жамол.

– Сизнинг қарзларингизни тўлаш учун ўғирлик қилиб, онамнинг сейфини олиб келдим! – деди Мухтарам ҳам тоқати тоқ бўлиб.

Шундан сўнг Жамолнинг чакаги ўчиб, уйидан болтани олиб чиқиб, хотини ўғирлаб келган сейфни болта билан амаллаб очди.

Мухтарам сейфнинг ичидан онасига тегишли бўлган тилла тақинчоқлар солинган идишни, пуллар солинган ҳамёнларни, ароқни, шоколадни, 10 000 сўмлик купюрадаги уч ўрам ва ҳар хил бошқа купюрадаги пулларни олиб қўйди.

Битта ҳамён ичини очиб кўрганида бир нечта 100 купюрали АҚШ доллари борлигини кўриб, санамасдан бир қисмини олди. Иккинчи ҳамённи очганида бир нечта Россия рубли чиқди. Кейин у сейф ичидаги икки дона ҳамённи олиб, онасига тегишли бўлган тилла тақинчоқлар солинган идишни сейф ичидан чиқсан пакетга солди.

Жамол эса дарҳол ароқни олди. Мухтарам сейф ичидаги 3 500 000 сўм пуллар билан 14 дона 100 купюралиқ, 2 дона 5 купюралик АҚШ долларини олиб уйига қўйди.

– Сейфни ва ичida бўлган қимматбаҳо тақинчоқларни, пулларни қайтариб, онангнинг уйига

олиб бориб, бериб кел! – деди Жамол хотинига. Ўзи ароқни олиб, уйига кириб, уни ичиб, дам олиш учун ётди.

Эртаси куни уйкудан туриб, ҳовлига қараса, сейф турганлигини күрди.

– Сейфни ва пулларни онангнинг уйига қўйиб келмадингми?

– Сейфнинг ичидаги тилла тақинчоқларни ва пулларни онамнинг уйига билдирамасдан қўйиб келдим. Ундан кўра сиз сейфни бирор-бир жойга яшириб қўйинг!

Жамол хотинининг ишидан энсаси қотиб, уйига кириб, шкафни очганида пуллар турганлигини кўрди. Бу пуллардан 400 000 сўм олиб, Учқун қўшнисига қарзини берди. Кеч бўлгач, у турмуш ўртоғи онасининг уйига ўғирлик қилиди, деган гаплар чиқмаслиги учун ҳовлидаги сейфни яшааш уйининг орқа томонидаги қўшниси Учқуннинг ҳовузига ташлаб юборди.

Эртаси куни эрталаб Мухтарам фарзандларининг дафтари варагидан ийтиб олиб, босма ҳарфлар билан лотин алифбосида «Опажон кечиринг, эрим кайфда сейфнингизни олибди. Пул ва тиллаларингизни қайтариб олиб келдим. Кечиринг, фақат қарғаманг! Биз ҳалол одамлармиз. Эримнинг бошига ташвиш тушиб қолди. Ахмоклик қилибди. Пул сўраган экан, «йўқ» деб сиз. Банқдан пул олганингизни кўрган экан. Пулларингизнинг қолганини ҳам қайтартираман. Фақат ҳеч кимга айтманг! Эрим қилган ишидан пушаймон. Бир ожиза синглингиз», деб ёзиб сейфнинг ичидан чиқсан тақинчоқлар солинган идишчани, қолган пулларни пакетта солиб, ота-онасининг уйига келиб, ҳеч кимга билдирамасдан, отасига тегишли бўлган машиннанинг устига қўйиб кетди.

Сўнгра уйига бориб пул қўйган жойига қарди. 3 500 000 сўм пулдан бироз кам бўлиб қолганлигини сезди.

– Пулларга тегинмадингизми? – деб сўради ажабланиб Мухтарам эридан.

– Пулларнинг бир қисмини қарзларимга бердим. Қолган қисмини қишлоғимиздаги дўкондан фарзандларимизга оёқ кийим ва бошқа нарсалар олиб қарз бўлиб қолганлигимиз учун дўкончига бердим.

Мухтарам қолган пулларни оиласига рўзгор учун нарса олиб сарфлаб юборди. Аммо, 14 дона 100 купюралик ва 2 дона 5 купюралик доллар-

ларни ишлатмади.

Турмуш ўртоғи Жамол у ўғирлаб олиб келган темир сейфни қаерга яшириб қўйганига қизикмади ҳам.

Сабоҳат турмуш ўртоғи Абдулла ва набиралири билан биргаликда келинининг туғилган куннига бориб, уларникода 4-5 соат ўтириб, туғилган кунни нишонлаб, уйларига қайтиб келишди. Сабоҳат набирасини олиб, у билан ўзи ётадиган хонага кириб ётиб ухлади.

Эрталаб ошхонада нонуштага тайёргарлик кўраётган вақтида набираси келиб, унга «Она, мана бу хатни ва сизнинг тақинчоқ ва пулларингизни кимдир ташлаб кетибди», деб қўлига салафан пакетни тутқазди.

У набирасининг қўлидаги хатни олиб, ўқиб, ажабланди. Пакет ичидан тақинчоқлар солинган идишни очиб қараган вақтида, барча тиллалари турганлигини, пулларини олиб санаса, 2 410 АҚШ долларидан 1 000 АҚШ доллари ва 4 000 Россия рублини қайтариб олиб келиб ташлаб кетишганлигини билди.

Шундан сўнг у югуриб бориб турмуш ўртоғи ётган хонадаги шкаф ичидаги сейфга қаради. Аммо, сейф жойида йўқ эди. У дарҳол ИИБга ариза билан мурожаат қилди.

Онаизор бу дардини қизи Мухтарамга ҳам айтди. Қизи жимгина эшитди. Бироқ, у онасига бу ўғирликни ўзи қилганлигини айттолмади.

Шундан сўнг ИИБ ходимлари онасининг уйида ўғирлик ҳолати бўйича суриштирув ишларини олиб бораётган вақтида Мухтарамнинг виждени қийналиб, ИИБ ходимларига ўз ихтиёри билан ўғирлаган пулларини холислар иштирокида топширди. Яшил рангли темир сейфни ҳам ҳовуздан олишиб, топширишди.

Онаизор ўғирлик жиноятини унинг ўзини қизи Мухтарам содир қилганлигини билгач, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдири.

Суд Мухтарамга тегишли жазо тайинлади.

Аммо, энди қиз онаизорининг қўзига қандай қарапкин? Бир умр виждан азоби уни қийнамасмикин?

**И. ДОНИЁРОВ,  
жиноят ишлари бўйича  
Оқдарё туман суди раиси,  
Хонбиби ҲИММАТ қизи,  
журналист**



# 60 ёш

*Хурматли Ибрагим ИСАКОВИЧ!*

*Сизни Олий суд жамоаси номидан таваллуд топган кунингизга 60 йил тўлиши муносабати билан самимий қутлаб, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, оиласвий тинчлик-хотиржамлик ва фаолиятингизга катта муваффақиятлар тилаймиз.*

*Бу ҳаётда ҳар бир инсонни, аввало, эзгу ва савобли ишлари, касбига садоқати, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик каби фазилатлар улуғлайди, унга обрў-эътибор олиб келади. Бу азалий ҳақиқатнинг ёрқин тасдигини Сизнинг узоқ йиллик самарали фаолиятингиз мисолида ҳам кўриш мумкин.*

*Сиз суд тизимидағи узоқ йиллик фаолиятингиз давомида касбига садоқати баланд ҳуқуқшунос сифатида қатъиятлилик, талабчанлик ваadolatparvarlik каби фазилатларни яққол намоён этиб, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозондингиз.*

*Айниқса, Сизнинг табиатингиздаги латиф ва олижаноб инсоний хислатларни алоҳида таъкидлаб ўтиши жоиз.*

*Албатта, Сиз касбига хурмат-эътибори баланд ҳуқуқшунос сифатида ёшлиарга ҳамиша тўғри йўл кўрсатиш, уларга ўзингизнинг қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқларингиз билан кўмак беринин юксак инсоний бурчингиз деб билдингиз.*

*Шу боис, бугунги кунда кўпчилик ёшлар Сизнинг номингизни устоз сифатида алоҳида хурмат билан тилга олади. Бу Сизнинг кўп йиллик фаолиятингизга берилган юксак баҳодир.*

*Сизни таваллуд топган кунингизга 60 йил тўлиши муносабати билан яна бир карра қутлаб, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, хонадонингизга осойишталик тилаймиз.*

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди жамоаси**